O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 8-iyun, chorshanba ● № 23 (723) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

1 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Литва Республикаси ташқи ишлар вазири Аудронюс Ажубалисни қабул қилди. Учрашувда ЕХҲТ олдида турган вазифалар, Литванинг ушбу тузилмадаги раҳбарлиги, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Шунингдек, томонлар минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

2 июнь куни Чехия Республикаси парламенти Сенати раисининг биринчи ўринбосари Пржемисл Соботка раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров билан учрашди.

1-3 июнь кунлари пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-кимё ва металлургия корхоналарининг тармоқ саноат ярмаркаси ўтказилди.

6 июнь куни пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Савдо, иқтисодиёт, фан ва техника, маданият, спорт ва ёшлар иши бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим ижросининг назорати бўйича Ўзбекистон — Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларини кафолатлаш масалаларига бағишланган семинар ташкил этилди.

ФАРҒОНА: бунёдкорлик, ижодкорлик қудрати

Фарғона деганда, юксак ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган обод ва фаровон вилоят ҳамда унинг сўлим Фарғона шаҳри, қадим-қадимдан илм-фан, маданият ва маърифат довруғини оламга ёйган Қўқон, Марғилон, Қува, Риштон каби масканлари, бугун бутун дунё билан ҳамкорлик ришталарини боғлаган гигант саноат корхоналари, тоғ чўққиларидек юксак «оқ олтин» хирмонлари, жаннатмакон боғ-роғлари, бетакрор табиати кўз ўнгимизда гавдаланади. Буюк Истиқлол шарофати ила олтин водий гавҳари дея аталмиш Фарғона том маънода тараққиёт, юксалиш сари юз тутди. Вилоятда ҳар бир соҳада мислсиз бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу ишларнинг барчаси юрт равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиляпти.

3 »

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ: «ҒАҚ-ҒАҚ...»



2-бет

«Тарғибот автокарвони» биз кўрган анъанавий анжуманлардан бутунлай фарқ қилди. Автокарвон таркибида автоҳалокатга учраган машиналарни манзилга етказадиган уловлар, тез ёрдам машинаси, ташкилотчилар ҳамда ОАВ ходимлари шаҳримиз кўчалари бўйлаб ҳаракат қилишди...

ИНФЕКЦИЯ ТАҲЛИКАСИ

5-бет

Европа Иттифоқига аъзо барча давлатлардан Россияга полиз маҳсулотлари олиб кирилиши тақиқланди. Бунга Европанинг бир қатор мамлакатларида бодринг билан боғлиқ ҳолда ошқозон-ичак инфекциясининг тарқалиши сабаб бўлган.

БОЛА БАЛО БЎЛМАСИН ДЕСАНГИЗ

7-бет

Баъзи ота-оналар болани жазоламасликнинг мутлақо иложи йўқ, деб ҳисоблашади. Тўғри, у гоҳида гапингизга қулоқ солмаслиги, хархаша қилиб, тинчлик бермаслиги мумкин. Лекин борлиқни эндигина ўргана бошлаган мурғакни билиб-билмай қилган ёки қилмаган иши учун жазолаш шартмикан? Ахир, гўдак кўнглига озор бермай, яхши тарбия бераётган ота-оналар ҳам бор-ку?!

Концепция: ғоя, мақсад ва вазифалар

БИРЖА ФАОЛИЯТИ

унда хўжалик юритувчи субъектлар иштирокини кенгайтиришнинг зарурати ва аҳамияти

Бозор ислоҳотлари натижасида савдо муносабатларининг тубдан ўзгариши мамлакатимизда товар, валюта, фонд биржаларининг вужудга келиши учун объектив асос бўлиб хизмат қилди. Зеро, биржа фаолияти даромад олишга ва махсус тартибда алоҳида товарларнинг олди-сотдисини ташкил этишга қаратилган савдонинг мустақил шаклидир.

Юртбошимизнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясининг демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш йўналишида билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳам биржалар фаолиятини тартибга солиб турувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ҳам қаратилган. Бошқача айтганда, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "...мавжуд қонунларимизнинг кўпчилигини уларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарур".

Маълумки, мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши баробарида биржа фаолиятига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштириб келинмоқда. Хусусан, "Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Унга мувофиқ, биржа фаолияти биржа савдоларини ташкил этиш ҳамда талаб ва таклифнинг ҳақиқий нисбатини аниқлаш асосида биржа товарларининг нархларини чиқариш орқали товарлар бозорини яратишга қаратилган ҳаракатлар йиғиндисидан иборат, деб белгиланди.

2 »

"Ёз – 2011"

Сўлим оромгоҳлар бағрида

Жорий йилда Сурхондарё вилоятида 11 минг 130 нафардан ортиқ болани оромгоҳларда соғломлаштириш, ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларини юқори савияда ташкил этиш учун пухта тайёргарлик кўрилди.

Бунинг учун вилоятнинг сўлим гўшаларида жойлашган 9 оромгоҳда зарур шарт-шароит яратилди. Умумтаълим мактаблари, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қошида барча қулайликларга эга 50 дан ортиқ ёзги оромгоҳ ташкил этилди.

Ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларини мазмунли ўтказиш, оромгоҳларда болажонларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришини таъминлашда етакчи ва тарбиячилар муҳим ўрин тутади. Бунинг учун уларнинг етарли билим ва малакага эга бўлишига эришиш лозим. Мазкур йўналиш ва ёзги оромгоҳларда маърифий-тарбиявий ишларнинг юқори савияда ташкил этиш борасида Сурхондарё вилоятида олиб борилган чора-тадбирлар ҳақида **вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Алишер ПАРДАЕВ** ЎзА мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:

— Ёзги таътил кунларида ҳар бир болага алоҳида меҳр, эътибор кўрсатиш, уларнинг ҳар бир кунни мазмунли ва мароқли ўтказишига кўмаклашиш асосий вазифамиздир. Шу мақсадда барча оромгоҳлар бош тарбиячи, етакчи, спорт мураббийи, тўгарак ва мусиқа раҳбари, кутубхоначи каби малакали мутахассислар билан тўлиқ таъминланди. Вилоят ўқитувчи ва педагогларни қайта тайёрлаш институтида уларнинг билим ва малакаси оширилди.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги нишонланадиган жорий йилги мавсумда барча оромгоҳлар истиқлол йилларида турли жабҳаларда эришган ютуқларимиз, миллий қадрият ва анъаналаримиз акс этган баннер ва плакатлар, байроқчалар билан байрамона тусда безатилди. Мавжуд оромгоҳларга яқин ҳудудлардаги таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказлари фондидан фойдаланган ҳолда болалар адабиёти кутубхоналари ташкил этилди.

Вилоятда истеъдодли ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларини кўнгилдагидек ўтказишига ҳам алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Хусусан, ушбу мавсумда 2010-2011 ўқув йилида фан олимпиадалари ва турли кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритган ўғил-қизлар учун Узун тумани Холмуҳаммад Қулниёзов номидаги болалар дам олиш масканида "Ёзги интеллектуал соғломлаштириш оромгоҳи" ташкил этилди. Таниқли олим ва ёзувчилар, шоир ва санъаткорлар билан ўтказиладиган учрашувлар, ташкил этиладиган ижодий фестиваль ва кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, спартакиадалар ёзги таътилнинг янада мароқли ўтишини таъминлаш баробарида болаларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришга ҳам хизмат қилади.

Болаларнинг ёзги таътил кунларини мазмунли ташкил этиш ишларига ота-оналар ҳамда ҳомий ташкилотларнинг катта қизиқиш билдираётгани ҳам қувонарлидир. Бу борада, айниқса, Денов туманида эътиборга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Бу йил тумандаги таълим муассасалари қошида 11 та мактаболди ёзги оромгоҳ ташкил этилган эди. Уларнинг мавсум давомида ҳам фаолият юритишини ўқувчиларнинг ота-оналари, фермер хўжаликлари ва бошқа ҳомий ташкилотлар ўз зиммасига олди.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижроси доирасида кам таъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларнинг фарзандларини ёзги мавсумда ҳомийлик асосида соғломлаштириш ва дам олдириш белгиланган. Бу йил кам таъминланган оилаларнинг 3 минг 475 нафар фарзанди ёзги оромгоҳларда бепул ҳордиқ чиқаради.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали томонидан ўқувчи-ёшлар ўртасида "Ёз — 2011" спорт мусобақаларининг барча босқичларини юксак савияда ташкил этишга катта тайёргарлик кўрилаётир. Оромгоҳлар, болалар спорт иншоотлари, таълим муассасалари ва маҳаллаларда спорт беллашувларини ўтказиш, уларда ғолиб бўлган ўғил-қизларни рағбатлантириш чоралари белгиланди.

Буларнинг барчаси мустақил юртимизда ёш авлодга кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунасидир.

ЎзА мухбири Х.МАМАТРАЙИМОВ ёзиб олди.

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

✔ Кузатув

Маҳалла — демократия мактаби

Ободлик кўнгилдан бошланади. Нияти пок, қалби тоза инсонлар эл-юртга наф келтиришдек эзгу мақсад ила яшайди. Пировардида, маҳаллада нотинч оилалар, қўни-қўшнилар орасидаги турли низолар каби нохуш ҳолатлар барҳам топади.

Мамлакатимизда истиқлол туфайли қайта тиклинган маҳалла институтининг обрў-эътибори, нуфузи, ваколатлари ҳам тобора ошиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, маҳалла демократиянинг ҳақиқий мактаби, жамиятнинг муҳим бир бўғини сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Шу кунларда юртимизда ўзини ўзи бошқариш органларида катта оммавий тадбир — сайлов жараёнлари кечмоқда. Бу муҳим сиёсий тадбирда фуқаролар муносиб номзодга овоз бериб, унинг иш дастурини қўллаб-қувватлашмоқда.

Жойлардаги фуқаролар йиғинлари раисларининг сайловдан сайловгача бўлган даврдаги фаолияти юзасидан ҳисоботлари тингланиб, овоз бериш юксак савияда, демократик тамойиллар асосида ўтказилмоқда.

— Маҳалламизда сайловни ўтказишга катта тайёргарлик кўрилди. Ҳудудимиздаги сайловчилар билан учрашувлар ташкил этилди. Ишчи гуруҳи томонидан фуқароларни қизиқтирган саволларга жавоблар берилди, — дейди Ғиждувон шаҳридаги "Дегрезон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Халқ депутатлари туман кенгаши депутати Гулзода Зарипова.

Дарҳақиқат, сайловга пухта ҳозирлик кўрилгани туфайли тадбир очиқ-ошкора руҳда ўтмоқда. Бирин-кетин ўтказилаётган сайловларда сайловчилар ўзларининг конституциявий ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланган ҳолда, уч нафар номзоддан энг муносибига овоз беришяпти. Масалан, Бухоро туманидаги "Саховат" ҚФЙ раиси Ҳ.Йўлдошев, Олот туманидаги "Баҳористон" ҚФЙ раиси И.Мақсудов, Ғиждувон туманидаги "Улфатбиби" ҚФЙ раиси П.Раҳмоновларга маҳалла аҳли яна ишонч билдирди. Бу бежиз эмас, албатта. Ушбу ҳудудларда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатувчи иншоотлар, савдо шохобчалари, тўйхоналар, тиббий муассасалар фаолият кўрсатмоқда. Тадбиркорлар сафи кенгайиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги яхшиланмоқда. Йиғин ва маҳалла раислари, маслаҳатчилар ҳамда участка нозири, маҳалла посбонларининг астойдил меҳнатлари самараси ўлароқ аҳоли осойишталиги таъминланмоқда.

Бироқ ҳамма жойда ҳам оқсоқоллар фаолиятини қониқарли, деб бўлмайди. Олот туманидаги "Денов" ҚФЙ раиси Шерали Жўраевнинг таъкидлашича, ҳудуддаги учта маҳаллада сайлов ўтказилган бўлиб, "Кўккўз" ҳамда "Пинакчи" маҳалла фуқаролар раислари Маъмур Юсупов ва Собир Рустамов етарлича овоз ололмаган. Улар эл ишончини оқлаш осон эмаслигини англаган бўлишса, ажабмас...

Халқ танлови — ҳақ танлов. Бугун демократик тамойиллар асосида очиқ ва ошкора тарзда ўтказилаётган сайловлар шунчаки расмиятчилик учун эмас, балки халқимиз фаровонлигини ошириш, юртимиз шуҳрати, иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини янада мустаҳкамлашдек эзгу мақсад ифодасидир.

Шавкат НОСИРОВ,
"Hurriyat" мухбири

БИРЖА ФАОЛИЯТИ

унда хўжалик юритувчи субъектлар иштирокини кенгайтиришнинг зарурати ва аҳамияти

(Бошланиши 1-бетда.)

Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, биржалар очиқ биржа савдоларини ўтказиш, савдо қоидаларини ҳамда ягона талаблар акс эттирилган шартномаларни ишлаб чиқиш, нархларни аниқлаш ва тартибга солиш, ҳисоб-китоб — клиринг хизмати кўрсатиш каби муҳим вазифаларни амалга оширади.

Бугунги кунга келиб юртимизда бир нечта йўналишда биржа фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар фаолият юритмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 1994 йил 21 январда қабул қилинган "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, "Республика кўчмас мулк савдоси биржаси" ЁАЖ ташкил этилди. У ўз фаолиятини давлат ва нодавлат мол-мулкларнинг биржа, аукцион, танлов ва тендер савдоларини ўтказиш орқали амалга ошириб келмоқда. Чунончи, мазкур жамият томонидан ўтказилган савдо ҳажми 2009 йилга нисбатан 2010 йилда 1,25 марта кўпайган.

1994 йил 8 апрелда ташкил этилган "Тошкент" фонд биржасининг фаолияти республикада хусусийлаштирилган давлат корхоналари базасида очиқ турдаги акциядорлик жамиятларини ташкил этишга қаратилган ислоҳотлар билан чамбарчас боғлиқ. Бугунги кунда мазкур биржада ўтказилган савдолар ҳажми ҳам ошган. Айни пайтда ушбу биржада ягона электрон савдо тизими орқали бир вақтнинг ўзида 12 филиалда ҳафтасига беш марта савдо ўтказиш, дунё андозаларига жавоб берадиган биржа стандартларининг қабул қилиниши каби ишлар амалга ошириляпти. Бундан ташқари, "Тошкент" фонд биржасида эркин конвертация валютаси воситасида чет эл инвесторлари акцияларини сотиш бўйича махсус майдонча ҳам ташкил этилган.

Иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш шароитида кооперация алоқаларининг ривожлантирилиши иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналарнинг барқарор ишлаши учун муҳим омиллардан ҳисобланади. Бу эса янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, энг асосийси, янги иш ўринлари яратилишини, аҳоли бандлиги ва муносиб ҳаёт тарзини таъминлашга хизмат қилади. Бинобарин, экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда бозор принциплари ва механизмларини янада чуқурлаштириш, биржа ва ярмарка савдоларининг хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги кооперация алоқаларини ривожлантиришдаги ролини ошириш, шунингдек, маҳаллий хомашё ҳамда саноат кооперацияси негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳаларини шакллантириш чора-тадбирларини амалга оширишда саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш долзарб аҳамият касб этади. Бу борада Президентимизнинг 2009 йил 1 декабрдаги "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори долзарб аҳамият касб этди. Зеро, маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2010 йилда 1076 та лойиҳа амалга оширилди. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баробар ошди, импорт ўрнини босиш бўйича якуний самарадорлик 3 миллиард 400 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Корхоналар ўртасида кооперация алоқалари ҳам мустаҳкамланмоқда, бу жараёнга кичик корхоналар ва хусусий бизнес субъектлари тобора кенг жалб қилинмоқда. 2010 йилда ўтказилган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада дунёнинг 51 мамлакатидан 700 дан ортиқ хорижий фирма ва компания вакиллари қатнашди, 500 дан ортиқ янги турдаги маҳсулот намойиш этилди, қиймати 2 триллион 600 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди.

Бинобарин, биржалар фаолияти самарадорлигини ошириш ва унда хўжалик юритувчи субъеклар иштирокини кенгайтириш билан боғлиқ ҳолда қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 14 январдаги Фармойиши билан маъқулланган "Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш соҳасида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар Дастури"нинг 16-бандида "Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши белгиланган. Бунинг асосий мақсади товар-хомашё ва молия биржаларини янада такомиллаштириш, биржа шарномалари иштирокчиларини кафолатини кучайтириш, товар-хомашё ва молия биржаларида хўжалик юритувчи субъектларини кенг жалб қилишни таъминлаш ҳисобланади. Бинобарин, янги таҳрирда қабул қилинадиган мазкур Қонунда "биржа фаолияти", "биржа товари" каби асосий тушунчаларни аниқлаштириш, товар-хомашё ва молия биржаларини тартибга солувчи қоидаларни алоҳида белгилаш, шунингдек, товар биржаларида сотиб олувчи томонидан харид қилинган товарларни етказиб беришни таъминлаш кафолатлари, товар-хомашё биржаларида спекулятив нархларнинг олдини олиш механизмларини назарда тутувчи қоидаларни ифода этиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, "Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирда ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши, мамлакатимизда товар-хомашё ва молия биржалари фаолиятини янада такомиллаштиришда, мамлакатимиз иқтисодиётида, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини янада кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Бошқача айтганда, биржа савдоларига хўжалик юритувчи субъектларининг жалб қилиниши, уларнинг товар-моддий ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, нафақат ушбу бозордаги ҳар бир иштирокчи манфаатлари учун, балки мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

С.ЖОЛДАСОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди

✔ Валюта бозори

Иқтисодий ўсиш омили

Мамлакатимиз иқтисодиётининг изчил ўсиши, шубҳасиз, банк-молия тизими фаолияти, соҳага оид ислоҳотлар натижасига боғлиқ. Республикамиздаги бу ўзгаришларни Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молия ташкилотлари эътироф этаётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Шу билан бирга, айни пайтда мамлакат ташқи савдосининг барқарор суръатларда ўсиши, хорижий инвестициялар, капиталлар ва кредитларнинг халқаро ҳаракатини таъминлаш зарурати миллий валюта бозорининг эркинлаштирилишини тақозо этади. Шу боис, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида валюта сиёсатини эркинлаштириш, жорий валюта бозори ликвидлигини ошириш, биржадан ташқари банкларо валюта бозорини ривожлантириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган масалалардандир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «...биз учун бош йўналиш — биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, тижорат банкларининг валюта ресурсларини кўпайтириш ҳисобидан улар ҳеч қандай лицензия ва квоталарсиз хоҳлаган вақтда ўз мижозларига валюта операциялари бўйича хизмат кўрсатишини таъминлашдан иборат.»

Ҳукуматимиз томонидан валюта бозорини эркинлаштириш, биржадан ташқари банкларо валюта бозорини ривожлантириш, сўм алмашув курсларини унификациялашга доир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ва турли валютавий чекловлар амалиёти бекор қилинди. Натижада Ўзбекистон Республикасида миллий валюта бирлиги — сўм 2003 йил 15 октябрдан жорий валюта операциялари бўйича конвертация қилина бошланди. Бу эса жорий валюта операцияларини ривожлантириш учун муҳим замин яратди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, мустақилликнинг дастлабки йилларида миллий валюта конвертацияси бўйича дуч келинган муаммолар бугунги кунга келиб ўз ечимини топди. Чунки ташқи иқтисодий савдода экспорт салоҳиятининг ошиши ўз-ўзидан хорижий валюта захирасининг ошишига олиб келади, натижада жараён шундай давом этиб бораверади. Мамлакатнинг ташқи савдодаги ўсиш динамикасини кузатар экансиз, у йилдан-йилга ошиб бораётганлигини, шу билан бирга экспортбоп маҳсулот турларининг кенгайиб бораётганлигини эътироф этиш мумкин.

Анвар УСМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

Чиноз туманидаги «Chinoz Zamin non» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган нон маҳсулотлари харидорларга манзур бўлмоқда. Айни пайтда бу ерда кунига 6 тонна қолипли нон тайёрланмоқда.

Корхона цехларига Германиянинг «Wachtel» технологик ускуналари ўрнатилган. Ана шундай замонавий технология шарофати билан корхонада узилиш кузатилмайди, аксинча нон маҳсулотлари ўнлаб нон дўконларига ўз вақтида, пешма-пеш етказиб берилаётир. Корхона қошида очилган махсус дўконда эса куннинг исталган вақтида нақд пул ёки пластик карточка орқали нон харид қилиш мумкин. Бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

— Деярли ҳар куни ушбу дўкондан иссиққина, мазали нон харид қиламан, — дейди харидор Шоира Боймуродова. — Шукрки, туманимиздаги нон дўконларида доим хилма-хил нон бор. Уни ҳоҳлаган вақтда, хоҳлаганча сотиб олиш мумкин. Бу имконият ва тўкинликнинг қадрига етишимиз, нонни эъозлашимиз лозим.

Акмал АЛЛАМУРОДОВ

✔ Пиёдалар маданияти

Эҳтиёт бўлинг: «ғақ-ғақ...»

Мақсадимизни англаш учун «Кавказ асираси» бадиий фильмидаги бир эпизодни эсланг: она ўрдак болаларини йўлнинг у томонига бошлаб ўтиш учун пиёдалар ўтиш жойини танлайди. Парранда йўлнинг дуч келган жойидан ўтиб кетсаям бўларди. Аммо унинг ўзи «қоида»ни бузиб, полапонларига «ўрнак» бўлолмасди.

Одамлар-чи? Машиналарнинг кети узилмайдиган йўлдан ўтаётганда ўн карра хавфли — пиёдалар ўтиши тақиқланган жойлардан ҳам ўтиб кетаверадилар. Юртимизда йўллар кенгайиб, машиналар сони ҳам кўпаяётир. Аммо йўлда юриш маданиятимиз ҳам шунга яраша юксалаяпти, дея мақтаниш мушкул.

... «Чилонзор буюм савдо комплекси». Бозорнинг ёнидан «Бунёдкор» шоҳ кўчаси ўтган. Катта йўлда қатнаётган машиналарнинг ҳаракатига халал бермаслик мақсадида пиёдалар учун махсус ер ости йўли қурилган. Шундай бўлса-да, кўпчилик бу ердан ўтишга эриниб, бўйларидан баланд панжарадан ошишни маъқул кўради. Бунга деярли ҳар куни гувоҳ бўлишингиз мумкин.

Бир неча йил бурун намойиш қилинган «Қиш сонатаси» сериалидаги бир эпизод хаёлимда муҳрланиб қолган. Унда фильмнинг бош қаҳрамонлари Ю Жин ва Жун Санг катта йўлни кесиб ўтиши керак бўлади. Бироқ улар ўтмоқчи бўлган жойдаги светофор бузилиб қолган. Буни кўрган фильм қаҳрамонлари асабларини таранглаштиришмайди, йўлни ҳам кесиб ўтишмайди. Аксинча, Жун Санг ҳамроҳига бир ажойиб таклиф айтади: "Юр, бошқа йўл топамиз!"

Бу сўзлар бир қарашда жиддий аҳамият касб этмайдигандек туюлади. Аммо чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрсангиз, фильм режиссёри йўлда юриш маданиятини шу икки оғиз сўзга моҳирлик билан сингдириб юборгани маълум бўлади.

Йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш маданиятини тарғибот-ташвиқот, тушунтириш орқали одамлар онгига сингдириш, шакллантириш мумкин. Фақат бу саъй-ҳаракат зерикарли бўлиб қолмаслиги лозим. Бу борада олиб борилаётган ишлар билан танишиш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББнинг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томон йўл олдик. У ерга кириб борганимизда ажойиб анжуман бошланиш арафасида экан. Маълум бўлишича, «Тарғибот автокарвони» деб номланган бу тадбир Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ташкил этилиб, болажонларга йўл ҳаракати қоидаларига амал қилишни яна бир карра эслатиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлашга ота-оналар, қолаверса, кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш асосий мақсад қилиб олинибди. Аслини олганда бундай тадбирларни ҳар куни қилса арзийди.

«Тарғибот автокарвони» биз кўрган анъанавий анжуманлардан бутунлай фарқ қилди. Автокарвон таркибида автоҳалокатга учраган машиналарни манзилга етказадиган уловлар, тез ёрдам машинаси, ташкилотчилар ҳамда ОАВ ходимлари шаҳримиз кўчалари бўйлаб ҳаракат қилишди, белгиланган жойларда учрашувлар ўтказилди. Аввал 28-мактабга тўхтаган автокарвон ташкилотчилари ўқувчилар билан суҳбатлашдилар. Сўнг «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги коллеж, лицей ўқувчилари, олий ўқув юртларининг талабалари билан юзма-юз мулоқот ўтказилди. Талабалар шаҳарчасидан Чилонзор туманига қараб йўл олган «Тарғибот автокарвони»дагилар «Бунёд» номидаги 534-сонли мактабгача таълим муассасасида бўлдилар. Шундан сўнг автокарвон кенг жамоатчилик эътиборини жалб қилиш мақсадида яна бир муддат шаҳримиз кўчалари бўйлаб ҳаракатда давом этди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, ер юзида ҳар йили 1,3 миллиондан зиёд инсон йўл-транспорт ҳодисаси туфайли ҳалок бўлар экан. Бу чоғроқ давлат аҳолисининг сонига тенг рақам. Уларнинг кўпчилиги йўл ҳаракати қоидаларини бузаётганларида ҳаёти тамом бўлиши ҳақида сираям ўйлашмаган. Бироқ...

Сўнгсўз ўрнида тағин ўша она ўрдакни эсласак. Йўл четида турган ўрдак биз ўтиш ҳуқуқига эгамиз, дея кўкрагини керганча юришда давом этсаям бўларди. Аммо у ортга қайтди, «ғақ-ғақ» дея болаларининг қайтарди.

Қиссадан ҳисса шуки, ўзимиз ҳам йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиб, болаларимизга, ён атрофимиздагиларга ўрнак кўрсатсак яхши бўларди...

Дарвоқе, эҳтиёт бўлинг: «ғақ-ғақ...»

Фозил ЖАББОРОВ,
«Hurriyat» мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

ФАРҒОНА:
бунёдкорлик, ижодкорлик қудрати

(Бошланиши 1-бетда.)

Бугун — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида мард, танти, хушчақчақ, бағрикенг ва меҳмондўст фарғоналиклар зўр ғайрат-шижоат, фидойилик билан меҳнат қилишмоқда. Яратиш-яратувчанлик иштиёқидаги бу саъй-ҳаракатлар самараси сифатида улкан ютуқлар қўлга киритиляпти. Биргина ўтган 2010 йилнинг, қолаверса, жорий йилнинг ўтган ойлари ичида вилоят иқтисодиётидаги ривожланиш кўрсаткичлари ушбу сўзимиз тасдиғидир.

Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ўтган йили 105,8 фоиз ўсди. Унинг таркибида кичик бизнес улуши 59,5 фоизни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг улуши 40,6 фоизни ташкил этди. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида қилинган амалий ишлар ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юксалиши муҳим ўрин тутди.

Ўтган йили маҳаллийлаштириш дастури доирасида 35 та корхона томонидан 193 миллиард сўмлик турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 7,3 миллион АҚШ доллари миқдорида экспорт амалга оширилди. Инвестиция дастури асосида 120 миллиард сўм миқдорида сармоя ўзлаштирилиб, модернизация ва реконструкция қилиш ҳисобига 24 та лойиҳа фойдаланишга топширилди. Шунингдек, иқтисодий ночор, камқувватли ёки фаолият кўрсатмаётган корхоналарни соғломлаштириш чора-тадбирлари дастури асосида 110 та корхонага 106 миллиард сўмдан ортиқ инвестиция маблағлари жалб қилинди. Натижада бу корхоналар томонидан 410 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилдики, бу 2009 йилдаги натижаларга нисбатан тенг баравар зиёддир. Ана шу бир йиллик солиштирманинг ўзиёқ вилоятнинг иқтисодий салоҳияти тез суръатларда мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Вилоят иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлган саноатни ривожлантиришга устувор масала сифатида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида, айниқса, экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ўсиш кўрсаткичлари қувонарлидир. Қолаверса, корхоналар таркибий ўзгартириш билан давлат тасарруфидан чиқарилиб, мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказилгани ҳам яхши самара берди. Агар 1990 йилда саноат маҳсулотининг атиги 1 фоизи нодавлат корхоналарда ишлаб чиқарилган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич юз фоизга етиб қолди. Шунингдек, ҳозирда вилоятнинг 15 дан ортиқ тармоқларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилганини таъкидлаш ҳам ўринлидир.

Хориж инвестицияси ва кредитлари ҳисобидан мавжуд саноат корхоналарини қайта жиҳозлаш, янги ва бақувват саноат корхоналарини барпо этиш, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарни ташкил қилиш босқичма-босқич амалга ошириб келинаётир. Айниқса, хорижий инвестицияли қўшма корхоналар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилган. 1991 йилда вилоятда атиги 4 та қўшма корхона фаолият юритган бўлса, ўтган йилнинг охирига келиб уларнинг сони 89 тага етди. Ўзининг иқтисодий салоҳияти, юқори сифатли маҳсулоти, юксак малакали кадрлари билан мамлакатимиздан ташқарида ҳам маълум бўлган бундай корхоналар нафақат вилоятнинг, балки республикамиз саноатининг ҳам негизини белгилаб беради.

Мустақиллик йилларида вилоятнинг ижтимоий соҳаларида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Масалан, газ тармоқлари узунлиги 6 марта (қишлоқ ҳудудларида 12 марта), ичимлик суви тармоқлари эса 5 мартага ошди. Натижада хонадонларни газлаштириш кўрсаткичи 1991 йилдаги 35 фоиз ўрнига 85 фоизга, ичимлик суви таъминоти 98 фоизга етди.

Вилоятда аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат маданиятини жаҳон андозалари даражасига кўтариш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида гап кетгудек бўлса, унинг кўлами ва сифат даражасидан қониқиш ҳосил қилиш, мамнуният ҳиссини туйиш мумкин. Зеро, собиқ шўролар давридаги даволаш муассасаларининг ғаришбона аҳволини бугунги кекса авлод вакиллари яхши эслайдилар. Уларнинг ўрнини эндиликда энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган шинам қишлоқ врачлик пунктлари, поликлиникалар эгаллаган. Ўтган йиллар мобайнида вилоятда 293 та янги шундай врачлик пункти қуриб фойдаланишга топширилди, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди.



Халқ таълими тизимидаги ислоҳотларнинг бугунги самараси Фарғона вилоятида ҳам кўзни қувонтирадиган даражада. Юзлаб замонавий мактаблар, лицей ва коллежлар бинолари-ю, уларда таълим-тарбия олиб, камол топаётган навқирон авлоднинг ғурур ва бахтиёрлик туйғуларидан қайси юрт, қайси эл, қайси ота-она шодланмайди дейсиз!

Спорт нафақат жисмоний етуклик, балки маънавий баркамоллик омили ҳамдир. Болалигидан спортга ошно тутинган ёшларда мустаҳкам характер, қатъиятлилик, мардлик ва тантилик, бағрикенглик фазилатлари қарор топади, соғлом фикр, соғлом дунёқараш шаклланади. Шу боис ҳам, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, Фарғонада ҳам жисмоний тарбия ва спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантириш борасида муайян ишлар олиб борилди, эътирофга лойиқ ютуқлар қўлга киритилди. Бунда, албатта, Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари муҳим аҳамият касб этди.

2003-2010 йилларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 76 та янги спорт иншоати қурилди, 26 та объект мукаммал таъмирланди. Фарғона шаҳрида футбол мактаби учун водийда ягона бўлган 600 ўринли сунъий қопламали футбол майдони фойдаланишга топширилди. Мазкур спорт иншоотлари энг замонавий спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминланди. Дарвоқе, янги спорт объектларининг 77 таси қишлоқ ёшларига хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўтган йилнинг ўзида вилоятнинг турли ҳудудларида фаолият бошлаган бадиий гимнастика тўгаракларида, 103 та спорт залларида бадиий гимнастика билан шуғулланиш имконияти яратилди. Бугунги кунда бадиий гимнастика билан 2242 нафар қизлар шуғулланишмоқда. Уларнинг 67 фоизи қишлоқда яшашади. Умуман олганда, ҳозирги пайтда ёшларнинг мунтазам спорт билан шуғулланишлари учун 60 га яқин спорт мактаблари, 11343 та спорт секциялари ва тўгараклар ишлаб турибди.

Ўтган йиллар мобайнида вилоятдан 50 нафарга яқин жаҳон ва қитъа чемпионлари етишиб чиқди. Хитойда ўтказилган бокс бўйича Осиё ўйинларида қўқонлик Элшод Расулов фахрли биринчи ўринни эгаллади. Фурқат туманилик Элёр Мамадалиев эса каноэда эшкак эшиш бўйича Москва шаҳрида бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида шоҳсупага кўтарилди.

Давлатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга, қишлоқлар ободлиги ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини юксалтиришга доир қатор қарорлари ҳам халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги изчил ғамхўрликнинг ёрқин инъикосидир. Масалан, «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида ўтган йилнинг ўзида вилоятнинг 15 та туманида намунали лойиҳалар асосида 610 та уй-жой қурилди. Бу хонадонлар учун коммуникация тармоқларини ўтказиш ишларига 6 миллиард сўмлик маблағ сарфланди. Айни пайтда қишлоқ аҳолиси учун ана шундай замонавий уйлар қурилиши жадал суръатларда давом этмоқда.

Бандлик дастури доирасида 95 мингга яқин янги иш ўринлари яратилган бўлса, уларнинг асосий қисми қишлоқ жойларига тааллуқлидир. Бунга қўшимча тарзда 4 мингга яқин касаначилик иш ўринлари ҳам ташкил этилди.

Бир пайтлар қишлоқларда ҳукм сурган ночор аҳволдан бугун асар ҳам қолмади. Замонавий турмуш тарзи, шаҳарникидан қолишмайдиган қулайликлар эндиликда қишлоққа ҳам кўчиб ўтган. Данғиллама ҳовли-уйлар, замонавий русумдаги енгил автомашиналар, муҳташам тўйхоналару, ойнадек равон йўллар...

Маълумки, Буюк ипак йўлида жойлашган қадимий Қўқон шаҳри вилоятдаги йирик индустриал, маданий-маърифий марказлардан бири ҳисобланади. Собиқ иттифоқ даврида қурилган бир қатор саноат корхоналари ўз умрини яшаб бўлган, ишлаб чиқариш механизми батамом яроқсиз ҳолга тушиб, уларнинг барчаси бирин-кетин «банкротлик бекати»га келиб қолган ва пировардида, ишсизлик кўрсаткичлари ўса бошлаганди. Бундан ташқари, шаҳар ободончилигига эътибор берилмагани натижасида унинг бебаҳо тарихий обидалари қаровсизликдан ғоят ачинарли аҳволга тушганди.

— Муҳтарам Юртбошимизнинг Хўқанди латифга ташриф буюришлари, шаҳар билан яқиндан танишишлари, аҳоли вакиллари билан дилдан суҳбатлашишлари, Қўқоннинг меъморий қиёфасини янгилаш ва Ёшлар марказини бунёд этиш ҳақидаги қимматли таклифлари шаҳар аҳли ғайратига ғайрат қўшиб юборди, — дейди Қўқон шаҳар ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ш.Собиров. — Шу боис ҳам шаҳримиз катта қурилиш ва ободонлаштириш марказига айланди. Қўқонни республикамизнинг энг сўлим ва оромбахш, иқтисоди тараққий этган гўшалардан бирига айлантириш учун лозим бўлган барча имкониятлар эшиги очиб берилди.

Ўн-ўн беш йил илгари Қўқонга келган одам бугун изланган манзилини топиш учун анча уриниши табиий. Чунки шаҳар қиёфаси батамом ўзгариб кетган. Қайга борманг, янгитдан барпо этилган кенг ва равон кўчалар, яшилликка бурканган хиёбонлар, истироҳат боғлари, кўзни яшнатувчи фавворалар, гулзорлар баҳри-дилингизни очади. Мозийнинг салобатли обидалари қайтадан жамол очган, Истиқлолдан миннатдордек савлат тўкиб турибди.

Президентимизнинг «Қўқон шаҳар инфратузилмасини ва архитектуравий кўринишини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг «2010-2012 йилларда Қўқон шаҳрининг саноат салоҳиятини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «2010-2012 йилларда Қўқон шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорлари қўқонликлар учун дастуриламалга айланди. Бу ҳужжатларда белгилаб берилган вазифалар Қўқоннинг тараққиёти ва истиқболини белгилаб берувчи бош йўналиш бўлиб хизмат қилмоқда.

Ободонлаштириш дастури бўйича шаҳарда жами 40 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш белгиланган. Бу ишларни бажариш учун 242748,63 миллион сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган. Жорий йилда 14 та, 2012 йилда эса 5 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилади ва 5 та тугалланмаган лойиҳа ниҳоясига етказилади.

Қўқонда амалга оширилган ва оширилаётган ишлар кўлами, дарҳақиқат, ҳайратланарли. Ўтган йиллар мобайнида бир амаллаб ишлаб турган ўнга яқин саноат корхоналарининг йирик банклар билан ҳамкорлиги тикланди. Қўшимча сармоялар ва ташқи инвестиция маблағлари эвазига мазкур корхоналарнинг технологик жиҳозлари янгиланди. Шу билан бирга, шаҳарда қўшма корхоналар ҳам фаолияти йўлга қўйилди. Масалан, «Қўқон пойабзал», «Қўқон ёғ-мой», «Қўқонмаш», «Қўқон дон маҳсулотлари» сингари йирик корхоналар қайта модернизация қилиниб, тўла қувват билан ишлай бошлаган бўлса, «Имано групп», «Эффект ойл», «Қўқон – Харковнасос» сингари қўшма корхоналар иқтисодий юксалиш марраларига чиқишда янги имкониятлар эшигини очди.

Инвестиция лойиҳалари бўйича 2011 йилда қурилиш материаллари тайёрловчи «Юксалиш гипсо инвест», пенобетон ишлаб чиқарувчи «Қўқон қурилиш-монтаж ишлари ва маҳсулоти», чинни буюмлар тайёрлайдиган «Дон Силвер шифер» МЧЖлар, шунингдек, пигментлар ишлаб чиқарувчи ва магний қўшилмаси тайёрлайдиган заводлар ўз фаолиятини бошлайди. 2012 йилда эса пластмасса маҳсулотлари, хусусан, тент, баннерлар ишлаб чиқарадиган корхона, механик таъмирлаш минизаводи, автомобиль шассилари агрегати ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилади. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, 15 миллиард 887 миллион сўм бўлган 180 та лойиҳанинг амалга оширилиши эвазига 1868 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Шу кунларда шаҳарда ободонлаштириш ишлари қизғин давом этмоқда. Жумладан, юксак дид билан қайта таъмирланган Ўрда саройи мажмуасини миллий услубдаги панжара билан ўраш, шимоли-ғарбий қисмидаги кириш йўли ва дарвозахонасини қайтадан тиклаш ишлари ниҳоясига етди. Жомеъ мажмуасини реконструкция қилиш ҳисобига бу ерда ҳунармандлар шаҳарчаси бунёд этиляпти.

Юқорида келтирилган далиллар биргина Қўқон ҳаётидаги улкан ўзгаришлардан бир-икки далил, холос. Бундай бунёдкорликлар вилоятнинг Фарғона, Марғилон, Қува сингари шаҳарларида ҳам яккол намоён бўлаётир.

Фарғоналиклар муҳтарам Юртбошимизнинг алоҳида эътибори ва эҳтиромига мушарраф бўлган Ўзбекистон Қаҳрамонлари — Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи механиги Ботиржон Темиров, вилоят автомобиль йўлларидан мунтазам фойдаланиш бошқармасининг автоскрепер ҳайдовчиси Улуғбек Умаров, Олтиариқ туманидаги «Жўрабой-Олтиариқ» фермер хўжалиги раҳбари Юрсинбой Жўраев, Тошлоқ туманидаги «Мамажонобод-Қаҳрамон» фермер хўжалиги раҳбари Комилжон Мамажонов, Бувайда туманидаги «Патилахон» фермер хўжалиги раҳбари Патилахон Эргашева, Ўзбекистон халқ устаси, Бадиий академия аъзоси Абдуғани Абдуллаев, Қўқон шаҳридаги 10-умумтаълим мактабининг информатика ўқитувчиси Манзурахон Мадалиевалар билан ҳақли равишда фахрланадилар. Шу заминда яшаб ўтган буюк ҳофизлар Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Таваккал Қодиров ва бошқа машҳур санъаткорлар номини фахр билан ёдга оладилар, улуғлайдилар.

Ҳар даврнинг ўз Фарғонаси бўлган. Истибдод зулмидан қон қақшаган халқнинг, Муншию Фурқатлар, Увайсию Ҳазиниийлар даври Фарғонаси...

Чор Россиясининг, генерал Скобелевнинг ўзбеклар заминида худди ўз отасидан қолган меросдек ҳукмронлик қилишига, ҳақсизлик ва ҳўрликка қарши исёнларда шаҳид кетган юзлаб, минглаб юртдошларимиз кўзларида тош қотган армонлар Фарғонаси...

Халқимизни ўзининг бой тарихий хазиналаридан, буюк аждодларимиздан мерос қолган маданий-маънавий бойликлардан, қадриятларимиздан узоқлаштирган ва «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» деган тавқи лаънатни бўйнимизга илмоқчи бўлган шўролар даври Фарғонаси...

Йигирма йилдирки, ўз Истиқлолига, бутун жаҳон кўз олдида ўз ўрни, овозига, юксак нуфуз ва обрў-эътиборга эга бўлган бунёдкор, ижодкор халқ Фарғонаси...

Камол АЛЛАЁРОВ,
Солиҳ ҚАҲҲОРОВ,
«Hurriyat» мухбирлари

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади
Телефон: (8 371) тел: 233-57-47; факс: 236-09-21
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

Имконият

КОНЦЕПЦИЯ: келажагимиз кафолати, фаолиятимиз мезони

Маълумки, бугунги глобаллашув даврида жамиятнинг ахборотлашганлик даражаси мамлакатда демократиянинг ўрни ва аҳамиятини намоён этмоқда. Шиддатли замонда яшаётган ҳар бир инсондан нафақат ички, балки ташқи янгиликлардан хабардор бўлиб туриш ҳам талаб этилади. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Аҳолининг ҳар жиҳатдан саводхонлик даражаси, кенг кўламли ахборот олиш эҳтиёжини тўртинчи ҳокимият амалга оширмоғи лозим бўлади.

Президентимиз "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида айтиб ўтганларидек, бугунги кунда нодавлат оммавий ахборот воситалари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади". Албатта, бу кўрсаткич юртимизда давлат ОАВ билан биргаликда нодавлат ОАВ фаолиятига кенг йўл очилганидан далолат беради.

Лекин ахборот соҳасида замоннинг ўзи маълум янгилик, ўзгартириш ва қўшимчаларни тақозо этмоқда. Демократия сари илдамлаётган мамлакатнинг асосий вазифаларидан бири жамият аъзоларининг "эркин ва монеликсиз ахборот олиши, ахборот муҳофазаси ҳамда ахборот борасида хавфсизликнинг таъминланиши" масаласига янада чуқурроқ ёндашмоқ лозимлиги хусусида фикр билдираркан, Юртбошимиз соҳага доир бир қатор таклиф ва тавсияларини тақдим этди. Ўринли савол туғилади. Хўш, уларнинг зарурати ва аҳамияти қандай?

Биринчи тақдим этилган ғоя "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси демократик давлат қуришда барча фуқароларимизга дастуриламал бўлади. "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида"ги қонуннинг кучга кириши эса кўрсатув ва дастурлар савиясини янада юксалтириш учун ҳам айни муддаодир. Шунингдек, мобиль ва рақамли телевидение каби замонавий технологияларни жорий этиш, телеиндустриянинг истиқболли тармоқларини ташкил қилиш учун зарур шароитлар яратиш имкониятини беради.

Давлатимиз раҳбари томонидан лойиҳаси тақдим этилган "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги ва "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар келажакда журналистларнинг иқтисодий имкониятларини яхшилаш, уларнинг эркин ижод қилиши, жамиятдаги иллатларни дадиллик билан илғаб, жамоатчилик эътиборига ҳавола эта оладиган даражага етишишини таъминлашда беқиёс аҳамият касб этади. Шунингдек, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига давлат ва жамоат бирлашмалари, медиа-тузилмаларнинг ахборот хизматлари фаолиятини кучайтиришга доир чора-тадбирлар мажмуини назарда тутувчи тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ҳам соҳа фаолиятини ривожига хизмат қилади. Хусусан, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларининг қисқартирилишига эришилади. Зеро, шу пайтгача мурожаат хатлари бир ой мобайнида кўриб чиқилар, бу оралиқда эса янгилик ўз қадр-қимматини йўқотар эди.

Кўриниб турибдики, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш Концепцияда келтирилган барча таклифлар бир-бирининг мантиқий давоми сифатида изчил ишлаб чиқилган. Ҳуқуқий демократик давлат мақоми сари одимлаётган мамлакатимиз ҳаётида оммавий ахборот воситалари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Камола АЛИБЕКОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Малака ўқуви

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимиз ҳудудларида фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ёш журналистлар малакасини ошириш борасида қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Навбатдаги лойиҳа иштирокчиси сифатида биз, Самарқанд ва Жиззахлик ёш қаламкашлар пойтахтимиздаги етакчи таҳририятларда малака ошириб қайтдик.

Салоҳиятли журналистлар жамиятда ҳам фаол бўлади

«Халқ сўзи» — «Народное слово», «Uzbekistan today», «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Туркистон» — «Молодежь Узбекистана», «Моҳият», «Жамият», «Маърифат» — «Учитель Узбекистана», «Адолат», «Қишлоқ ҳаёти», «Hurriyat» газеталари, «ЎзА», «Туркистон пресс» ахборот агентликлари ва «UzReport.com» интернет-портали таҳририятларида амалиёт ўтадик. Таҳририятлар муҳаррирлари, тажрибали ходимлари билан суҳбат ва мунозаралар жараёнида англашилдики, журналистларга қўйиладиган талаблар, масъулият салмоғи бугун ҳар доимгидан катта. Муаммолар ҳам йўқ эмас. Нашрларда холис рақобат сустлиги, жанрлар қоришиқлиги, ахборот етказиш борасидаги камчиликлар кўзга ташланмоқда.

Журналистика кишидан нафақат иқтидор, билимни, балки тинимсиз меҳнатни талаб этади. У ҳар куни ёзиб туриши, машқ қилиши шарт. Бундай одат журналист қаламини чархлабгина қолмай, ёзиш кўникмасини ҳам беради. Шу қаторда журналист юксак ҳуқуқий билимга ҳам эга бўлиши керак. Ана шунда, таъбир жоиз бўлса, яхши маънода «тили узун» бўлади.

Сафар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон экологик ҳаракати, Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети журналистика факультетларида учрашув ва давра суҳбатларида ҳам иштирок этдик. Бу учрашувлар биз учун қонунчилик, ислоҳотлар жараёнидан хабардор бўлиш имконини берди. Ранг-баранг ва долзарб мавзулар манбаи бўлиб хизмат қилди.

— Марказий нашрларда амалиёт ўташ жараёнида шунга амин бўлдимки, журналистика соҳасини танлаган киши бир жойда «қотиб» қолиши керак эмас, — дейди Жиззах вилояти «Дўстлик» газетаси мухбири Бердиёр Қораев. — Сабаби, бу ўзгарувчан, янгиланиб борадиган соҳа. Бунда касбдошлардан, тажрибаси сиздан ортиқ бўлса бас, хоҳ ёши катта, хоҳ кичик бўлсин, ўрганиш керак. Бу каби тажриба алмашиш ҳар биримизни янги изланишларга, фаолликка ва ижодкорликка ундайди.

Лойиҳа доирасида марказий нашрларда тажриба орттириш билан бирга, пойтахтимиздаги бунёдкорлик жараёнларига гувоҳ бўлдик. Шунингдек, диққатга сазовор жойларга саёҳат уюштирилди.

Исомиддин ПЎЛАТОВ,
«Зарафшон» газетаси мухбири

Тадбир

Табиатни кўнглимиздек қўриқлайлик

Инсоният бугун фан ва техника воситасида тараққиёт поғоналаридан жадаллик билан кўтарилиб бораётган бўлса-да, ҳамон табиат ҳодисалари бўлмиш — цунами, торнадо, зилзила, сув тошқини, ўрмон ёнғинлари олдида ожизлигича қолмоқда. Табиат устидан ҳукмронлик қилиш учун сайёраларга сунъий йўлдошлар учирилди, сувни жиловлаш мақсадида тўғонлар қурилди, ўрмонлар аёвсиз кесилди! Натижада минтақавий, ҳатто глобал муаммолар келиб чиқди. Бугун эса улар инсоният бошига мислсиз офатларни ёғдирмоқда...

Шундай глобал муаммоларни ҳал қилиш йўлларини қидиришда ва бу борадаги тадқиқотларни амалий қўллаб-қувватлашда "ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди салкам йигирма йилдан буён юртимиздаги кўплаб нодавлат ва нотижорат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳит куни муносабати билан фонд мутасаддилари томонидан бир қатор оммавий ахборот воситаларида учрашувлар ташкил қилинди. Унда асосан иқлим ўзгаришлари, инсонларнинг атроф-муҳитга муносабати, Орол денгизи муаммоси ҳақида сўз юритилди.

Маълумки, ҳозирги вақтда жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган ва инсониятни ташвишга солиб келаётган экологик муаммолар глобал, минтақавий, миллий ҳамда маҳаллий даражаларга бўлиб ўрганилади. Сўнгги йилларда иқлим ўзгариши, озон туйнугининг ҳосил бўлиши, Орол денгизининг қуриши асосий глобал муаммолар сирасига киради.

"ЭКОСАН" Халқаро жамоат фонди ҳам экологик муаммоларнинг оқибатларини бартараф этиш борасида кўплаб хайрли ишларни амалга ошириб келаётган ташкилотлардан бири. Жумладан, фоннинг биргина "2009 — 2010 йилларда қишлоқ турмуш маданиятининг ижтимоий-гигиеник ва экологик жиҳатлари" мақсадли дастури доирасида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун жами 382 миллион сўмлик лойиҳалар амалга оширилди. Бундай рақамлар экология билан боғлиқ бошқа жабҳаларда амалга оширилган ишларда ҳам акс этади.

Таҳририятларда ўтган самимий учрашувлар якунида ОАВга "ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди томонидан фонд ва "Ижтимоий фикр" маркази билан ҳамкорликда нашр этилган "Экология ва саломатлик — жамоатчилик нигоҳида", "Иқлим ўзгариши болалар нигоҳида", "Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳити муҳофазаси" харитаси ҳамда экологияга оид плакатлар ва адабиётлар, шунингдек, Орол ҳақидаги "Харитага номи киритилмаган саҳро" номли ҳужжатли фильмнинг диски туҳфа қилинди.

— Ушбу фильм ва китобларда аҳоли саломатлиги, гигиена қоидалари, аҳолининг атроф-муҳитга муносабати, иқлим ўзгаришларига оид мавзулар кенг ёритилган, — дейди "ЭКОСАН" халқаро жамоат фондининг жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи Миркарим Мирсовуров. — Улар бизнинг энг асосий ҳамкорларимиз бўлган оммавий ахборот воситалари ходимларига экологик мавзуларни янада кенгроқ ва теранроқ ёритишда қўл келишига шубҳа йўқ.

Давронбек ОРИПОВ,
ЎзМУ талабаси

Рақобат

Матбуот — чинакам хазина

Сўнгги йилларда республикамизда кўплаб янги газета-журналлар ташкил этилмоқда. Айниқса, бепул кундалик нашрлар ҳақида ҳам тасаввурлар пайдо бўлаётгани қувонарли ҳол. Барча хусусий нашрлар турли йўллар билан ОАВ бозоридаги рақобат муҳитида ўз ўрнини топиш илинжида олға интилишдан чарчашмаяпти.

Маъно жиҳатдан тўкис, журналистик талабларга жавоб берадиган, халқ манфаатлари билан уйғун матбуот нашрларининг кўпайгани яхши, албатта. Аммо аксарият хусусий нашрлар муштарий эътиборига турли олди-қочди, енгил-елпи мавзудаги материалларни тиқиштириш, вақтини олишдан нарига ўтмаяпти. Боши-охири йўқ, бир ўтиришда қораланган, маъноси тушунарсиз, икки жинс орасидаги беҳаё ҳаракатлар ошкора изоҳланаётган ҳикоя жанрига яқин сатрлар, уриш, ўлдириш, ўғрилик, безорилик каби турли ноахлоқий ҳаракатларга йўғрилган, ваҳшийлик, тошбағирликни тарғиб этувчи детектив қиссага ўхшаш жумлаларни бу каби нашрларда исталганча топиш мумкин. Қолаверса, улар шоу-бизнес вакиллари учун ҳам арзон реклама воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Аксарият ҳолларда ушбу нашрларда дунё хабарлари ва маҳаллий янгиликларнинг манбаси кўрсатилмайди. Умуман, «сариқ матбуот» деб ном олган бундай нашрларни варақлаб ҳузур тополмайсиз. Масалан, яқинда номи машҳур журналлардан бирида таниқли актриса билан суҳбат уюштирилганига кўзим тушди, сарлавҳаси: «Керак бўлса, озиб бераман». Баъзи хусусий нашрлардаги мана бу ажабтовур сарлавҳаларга нима дейсиз? «Тоғам мени куйдирди», «Вой асабим, асалим», «Юрагимни сотаман», «Йиғлоқи йигит», «2012 йил — қиёмат қойим?», «Ҳижобдаги фоҳиша», «Чак, чак, келинчак...»

Ўша нашрлар номини атай келтирмаётганимизнинг сабаби «гап эгасини топади», деган андишага борганимиздир. Аммо шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бу турдаги газета-журналлар босма сифати билан бошқа давлат нашрлари орасида кўзга ташланиб туради. Ялтироқ муқова, сифатли қоғоз ва унга берилган кўзни қамаштирувчи ранглар мақолани ўқишга чорлайди гўё... Қанийди, сўзнинг сифати ҳам шу қоғозникичалик бўлса...

Аксарият нашрларнинг раҳбарлари журналистика соҳасидан йироқ, унинг мақсад ва вазифалари нималардан иборатлигини билмайдиган инсонлар бўлгани учун ҳам ноширлик ишига бир томонлама ёндашув келиб чиқмоқда, шекилли.

Телевидение ва радиога нисбатан босма нашрларнинг муштарийга таъсир кучи ўзгача. Бунда сўз қадри ва унинг савияси орқали ўқувчига исталганча маънавий озуқа бера олиш, унинг фикрлашига, энг асосийси, тўғридан-тўғри «мен»ига таъсир этиш мумкин. Чоп этилган кафтдек мақола ҳам шу нуқтаи назардан тарихга муҳрланади.

Жаҳон адабиёти вакилларидан бири Артур Конан Дойл шундай дейди: «Матбуот, агар ундан усталик билан фойдалана олинса, чинакам хазина». Дарҳақиқат, худди шундай. Аммо биз ана шу хазинадан самарали фойдалана оляпмизми?

Бу саволга аниқ жавоб бериш бирмунча мушкул. Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан барча соҳалар қатори ОАВ фаолияти ва уларнинг ривожланишига етарлича шарт-шароитлар яратиб берилган. Айниқса, янги авлод вакилларига, етишиб келаётган ёш журналистларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, соҳасининг етук мутахассиси бўлиши учун барча қулайликлар мавжуд. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида «Ижод» фондининг ташкил этилгани, анъанавий «Олтин қалам» миллий мукофоти, «Келажак овози» мегатанловларининг мунтазам тарзда ўтказиб келинаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Ўз ўрнида, биз — журналистларнинг олдимизда турган вазифалар ҳам талайгина. Президентимиз таъбири билан айтганда, ахборот полигонлари ядро полигонларидан кўпроқ аҳамият касб этаётган ҳозирги вақтда журналист давр билан ҳамнафас ҳолда, аввало, мамлакатни турли ёт ахборий ғоялар таъсиридан ҳимоя қила олиши керак. Негаки, халқ қалам аҳлига ишонади. Шу ўринда биз журналистлар халқнинг ана шу ишончига муносиб бўлишимиз, ўз ортимиздан эзгу манзиллар сари эргаштира олишимиз, керак бўлса, тарбиялашимиз даркор.

Алишер ИСОМИДДИНОВ

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

НЕФТЬ АРЗОНЛАШАДИМИ?



Эртага нефть қазиб чиқарувчи мамлакатлар ташкилоти – ОПЕКнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтади. Ушбу йиғилишда нефть қазиб чиқариш ҳажмининг оширилиши тўғрисида қарор қабул қилиниши кутилмоқда.

Ҳозирги пайтда бутун дунё иқтисодиётининг ривожланиши нефть хомашёсига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу сабабли ҳам кўплаб мамлакатлар, айниқса, оғир иқтисодий таназзулни ўз бошидан кечираётган давлатлар ОПЕК йиғилишидан умидвор.

Бундан сал аввал таҳлилчилар, шунингдек, Халқаро энергия агентлиги вакиллари ОПЕК нефть қазиб чиқариш квотасини ошириши лозимлигини, ана шунда жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатаётган «қора олтин» баҳосини бир хил меъёрда ушлаб туриш мумкинлигини билдиришган эди.

ИНФЕКЦИЯ ТАҲЛИКАСИ

Европа Иттифоқига аъзо барча давлатлардан Россияга полиз маҳсулотлари олиб кирилиши тақиқланди. РИА «Новости»нинг хабар беришича, бунга Европанинг бир қатор мамлакатларида бодринг билан боғлиқ ҳолда ошқозон-ичак инфекциясининг тарқалиши сабаб бўлган.

Мамлакат бош санитар врачи Геннадий Онишенконинг таъкидлашича, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида мазкур чора қўлланилган. «Сўнгги бир ой ичида инфекция билан боғлиқ ҳолат тўла назоратга олинмади, — дейди у. — Аксинча, кейинги кунларда вазият янада оғирлашди. Шу сабабли ҳам биз полиз маҳсулотлари импортига тақиқ қўйишга мажбур бўлдик.»

Г.Онишенко, шунингдек, мазкур тақиқ Европа давлатларидаги аҳвол яхшиланмагунча ўз кучини йўқотмаслигини айтиб ўтган.

Эслатиб ўтамиз, Германиянинг шимолий ҳудудларида ошқозон-ичак инфекциясининг тарқалиши оқибатида 16 киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. Айни пайтда мамлакатда 1,4 минг киши ушбу инфекцияни юқтириб олгани айтилмоқда. Бундан ташқари, Европанинг ўнга яқин мамлакатида ҳам касаллик аломатлари қайд этиляпти.

БРАЗИЛИЯДА СУВ ТОШҚИНЛАРИ



Бразилиянинг Рорайма штатида охирги 35 йилда кузатилмаган табиий офат юз берди. Тўхтовсиз ёмғир ёғиши натижасида Рио-Бранка дарёси тошиб, мамлакатга жиддий зарар етказди.

Хориж оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, дарё суви меъёридан 10 метргача баландликка кўтарилган. Ҳозирги пайтда ўнлаб аҳоли пунктларини сув босган, улар ташқи дунёдан бутунлай узилиб қолган. Маҳаллий ҳукумат вакилларининг таъкидлашича, 7 та аҳоли пункти сув остида қолган, штат маркази – Боа-Виста шаҳрида эса фавқулодда ҳолат эълон қилинган.

Айни пайтда Рорайма штатидаги автомагистрал йўлларда қатновлар тўхтатилган. Табиий офат ҳатто Рио-Бранка дарёси устига қурилган улкан кўприкка ҳам хавф солмоқда. Чунки кучли сув босими натижасида кўприкнинг темир бетон қурилмасида каттагина ёриқ пайдо бўлган.

Штат ҳукумати мамлакат Мудофаа вазирлигига табиий офатга қарши курашда ёрдам сўраб мурожаат этган. Тошқиндан жабрланганлар сони ва моддий зарар миқдори аниқланмоқда.

ЭКСПЕРТИЗА НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Япония атом ва саноат хавфсизлиги агентлиги «Фукусима-1» АЭС ҳалокати билан экспертиза натижаларини эълон қилди.

Агентлик ҳисоботида қайд қилинишига кўра, АЭС ҳалокатининг дастлабки кунлари атроф-муҳитга аввал ҳисобланганидан икки баробар кўп миқдорда радиактив моддалар тарқалган. Аниқроғи, ўша пайтда атмосфера 770 минг терабеккерель радиация билан заҳарланган. Чунки электр станциясининг иккинчи реакторидан радиактив моддаларнинг чиқиши ҳолати ва миқдори тўғри баҳоланмаган.

Дарвоқе, Японияда зилзила ва цунами жуда катта зарар етказди. Маълум бўлишича, ҳозирда табиий офат оқибатида ҳалок бўлганлар 15310 кишига етган. Бедарак йўқолганлар сони эса 8404 нафарни ташкил этади. Шунингдек, 100 мингга яқин киши ҳали-ҳануз вақтинчалик бошпаналарда кун кечиряпти. Иқтисодий зарар миқдори 300 миллиард АҚШ долларига етиши мумкин.

ИБОДАТХОНАГА ХОРИЖЛИКЛАР КИРИТИЛМАЙДИ



Ҳиндистоннинг Гоа штатидаги ҳиндлар сиғинадиган ибодатхоналардан бирига хорижликларнинг кириши тақиқланадиган бўлди. Тақиқнинг сабаби сифатида хорижликларнинг номақбул кийинишлари ва ўзларини тутишдаги номутаносибликлар сабаб қилиб кўрсатиляпти, дея хабар тарқатди «France Press» агентлиги.

Штат пойтахтидан 20 километр узоқликдаги Мардол шаҳрида жойлашган ибодатхона вакили Махалас Нарайанининг таъкидлашича, хорижликларнинг ярим яланғоч ҳолда бундай муқаддас жойга келишлари маҳаллий аҳолининг норозилигига сабаб бўлмоқда.

Бундан олдин Мангияше ва Понда қишлоқларидаги иккита тарихий ибодатхонага ташриф буюрувчилар қаттиқ назорат остига олинганди. Ўшанда калта юбкаларда, шортикларда ва очиқ-сочиқ кўйлакларда келган сайёҳлардан ибодатхоналарга кирмаслик талаб қилинган эди.

Гоа штатига ҳар йили 400 мингдан ортиқ хорижий сайёҳлар ташриф буюришади.

КЕЙКО ФУХИМОРЕ ЮТҚАЗИБ ҚЎЙДИ

Перу давлати президентлигига ўтказилган сайловда собиқ ҳарбий Ольянта Умала ўзининг ғалабасини эълон қилди, дея хабар тарқатди "France Press" агентлиги. Унинг рақиби – собиқ президент Альберто Фухиморенинг қизи Кейко сайловчиларнинг 49,5 фоиз овозини тўплади, холос.

Сайлов арафасида О.Умала ўзини Венесуела президенти Уго Чавеснинг маслақдоши сифатида эълон қилган бўлса-да, сайловчиларга АҚШ ва Бразилия билан яқин алоқада бўлиш, шунингдек, миллий иқтисодиётни ривожлантиришни ваъда қилганди. Шу боисми, у сайловчиларнинг кўпчилик овозини олишга эришди.

Кейко Фухиморе 2018 йилда ўтказиладиган президентлик сайловида ҳам ўз номзодини қўйишини маълум қилди.

2 МИНГ ОДАМ КЎЧИРИЛДИ



АҚШнинг Аризона штатида яшовчи 2 мингдан зиёд аҳоли бу ердаги кучли ўрмон ёнғинлари туфайли хавфсиз жойларга кўчирилди, дея хабар тарқатди «USA Today». Кучли ёнғин штатнинг 10 минг квадрат километрдан зиёд майдонидаги ўрмонларни кулга айлантирган.

Аризонанинг шарқий қисмидаги ёнғинлар энг йирик ёнғин ўчоқлари сифатида қайд этилди. Бу ерда ҳали-ҳануз оловни жиловлашнинг иложи бўлмаяпти. Ёнғин содир бўлган жойларга яқин бўлган шаҳарча ва қишлоқлардаги аҳоли ҳар эҳтимолга қарши кўчирилмоқда.

Ҳозирги ўрмон ёнғинлари Аризона тарихидаги энг кучли ёнғинлар деб эътироф этиляпти. Уларни бартараф этиш учун мингдан зиёд ўт ўчирувчи ва қутқарувчилар жалб этилган.

Интернет хабарлари асосида Назарбек МАЙЛИЕВ тайёрлади.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ БАНКИ

MIKROKREDITBANK

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси ва 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялашга ихтисослаштирилган янги микромолиявий ташкилот иш бошлаган эди. Мана, беш йилдан буён банк мамлакатимиз молия бозорида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Банк фаолият бошлаганидан буён кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қарийб 595 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратди. Жумладан, микромолиявий хизматлар миқдори 375 миллиард сўмни ташкил этди. Мазкур сармоялар эвазига республикамизда 400 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

Чуқур иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожлана бошлади.

Банк эришаётган ютуқларнинг муҳим омилларидан бири унинг жамоатчилик ташкилотлари билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйгани ва тадбиркорликни ривожлаштириш мақсадида аҳолининг барча қатламларига индивидуал ёндашишидир. Банк бугунги кунда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида бир қадар тажрибаларни қўлга киритган экан, эришилган марраларда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Оқсоқоллар кенгашининг "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати каби кўплаб ташкилотлар билан олиб борилган ҳамкорлик катта аҳамият касб этди. Банк ана шундай ҳамкорлик асосида узоқ қишлоқлардаги ҳар бир маҳаллага, уларда истиқомат қилаётган ҳар бир оила даврасигача кириб борди.

Тадбиркорлар учун яратилган ана шундай имтиёзлар самараси ўлароқ, банк ўтган 2010 йилнинг ўзида кичик бизнесга 214,4 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратди. Жумладан, 121,4 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатди. Яъни банкнинг 2010 йилга мўлжалланган микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўлами аввалги йилга нисбатан 1,3 баробарга ошди. Йил давомида ажратилган кредитлар ҳисобига қарийб 120 мингта янги иш ўринлари яратилди. 2010 йилнинг ўзида иш билан банд бўлмаган, илк бор тадбиркорликка қўл урган фуқароларга бошланғич сармоя учун 14,1 миллиард сўм микрокредитлар ажратилгани мазкур муассасанинг ижтимоий фаоллигидан далолатдир. Айни чоғда банк микрокредитлари таркибида кичик корхоналарга берилган сармоялар — 36 фоизни, фермер хўжаликларига ажратилган кредитлар — 24 фоизни, микрофирмаларга ажратилган микросармоялар — 16 фоизни, юридик шахс бўлмаган якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорларга ажратилган микросармоялар — 16 фоизни, деҳқон хўжаликларига ажратилган микросармоялар эса 8 фоизни ташкил қилмоқда.

Уйчилик тадбиркор Ботиржон Муҳиддинов 2007 йилда "Муҳиммад Шокирбек файз" хусусий корхонасини ташкил қилган эди. Тадбиркор туманда макарон ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ўтган йили корхонани кенгайтириш мақсадида "Микрокредитбанк"ка мурожаат қилиб, 16 миллион сўмлик микрокредит расмийлаштирилганидан сўнг ишлар анча жонланиб кетди. Ҳозир корхонада бир суткада 12 турдаги 450-500 килограмм макарон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Ишчиларнинг сони ўн нафарга, уларнинг ўртача ойлик иш ҳақлари эса маҳсулот ҳажмига қараб, 200-250 минг сўмни ташкил қиляпти. Даромадлар ҳисобидан корхона яқинда "Дамас" автомашинаси олди. Янги машина маҳсулотларни савдо дўконларга ўз вақтида етказиб беришда қўл келяпти. Шу кунларда корхона фаолиятини янада кенгайтириб, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

Қўрғонтепадаги "Универсал люкс" масъулияти чекланган жамият Асакадаги автомобиль заводи билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Корхона раҳбари — Собиржон Нодирбеков "Микрокредитбанк"ка мурожаат этиб автомобиль эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш учун 22,5 миллион сўм микросармоя олди. Аввалига заводда чиқаётган "Нексия"лар учун кронштейнлар тайёрлаб бера бошлади. Кейинчалик корхонада машина эшикларининг "ошиқ-мошиқлари"ни ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Натижада иш ўринлари тўрттадан еттитага кўпайди.

— Шу кунларда ишлаб чиқаришимизни янада кенгайтираяпмиз, — дейди корхона раҳбари — янги қисм ишлаб чиқаришни ўзлаштирганимиздан кейин иш ўринлари сони ўнтага етади. Бунинг учун яна микрокредитлар олишга тўғри келади. Муҳими, банк биз билан жуда яқиндан мулоқот олиб бораяпти. Ҳозир ҳар бир ишчимизнинг даромади яхши бўлиб қолди. Агар ишлар шундай кетаверса корхонамиз кенгайиб бораверади. Биз банк билан саноат асосида ишлайдиган йирик корхона бўлгунимизча ана шундай ҳамкорлик қилишни кўзлаб иш олиб бормоқдамиз.

Банк кредит фаолиятидаги устувор йўналиш корпоратив бозор сегментида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи корхоналар, кимё саноати корхоналари, қурилиш ташкилотлари ҳамда халқ ҳунармандчилиги билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришга қаратилди.

«Микрокредитбанк» кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва деҳқон-фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган минитехнологиялар, қишлоқ хўжалиги техникаларини, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, транспорт хизматлари кўрсатадиган машина ва механизация воситаларини олиб берди.

"Микрокредитбанк" республикамиз молиявий институтлари ичида энг имтиёзли фоизларда, яъни йиллик 5 фоиз устама билан микролизинг хизмати кўрсатувчи тижорат банкларидан бири ҳисобланади. 2010 йил давомида банк томонидан 37 миллиард сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилиб, унинг портфели йил якунида 47,5 миллиард сўмни ташкил этди. Шундан 35 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасига, 20 фоизи қишлоқ хўжалигини модернизациялашга, 24 фоизи қурилиш моллари ишлаб чиқаришга, 16 фоизи озиқ-овқат ва 5 фоизи енгил саноат соҳаларига кўрсатилган хизматларга тўғри келади.

Ўзбекистон Лизинг берувчилар ассоциациясининг маълумотларига кўра, "Микрокредитбанк" 2010 йилда лизинг бозорида кўрсатилган лизинг хизматлари сони бўйича биринчи ўринни эгаллади.

2011 йил биринчи чорагининг ўзида 69 та тадбиркорлик субъектига — саноатни ривожлантириш учун 4,5 миллиард сўм, 72 та тадбиркорлик субъектига — хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 4,4 миллиард сўм ҳамда 28 та тадбиркорлик субъектига — қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизациялаш учун 504 миллион сўм миқдорида микролизинг хизматлари кўрсатилди. Бу жараёнда асосий эътибор янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш учун кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, микролизинг хизматлари эвазига жорий йилнинг биринчи чорагида 2621 та иш ўрни ташкил этилди.

Банк ўз фаолиятида асосий эътиборни доимий фаолият юритаётган кўргазма-савдо ва ярмаркаларда хорижий етакчи компанияларнинг замонавий ускуна ва минитехнологияларини, айниқса, қишлоқлардаги тадбиркорлик субъектларига имтиёзли микролизинг шартлари асосида сотиб олиб бериш учун шарт-шароитлар яратишга қаратмоқда.

Кичик бизнесни минитехнологиялар ва ихчам ускуналар билан таъминлашда Республикамиз ҳукумати томонидан ташкил этилаётган"Uzbekistan Agrominitech Expo" кўргазмалари катта



роль ўйнамоқда. Уларда ишлаб чиқарувчилар билан банк ўртасида истиқболли лойиҳалар учун шартномалар имзоланмоқда. Шундай шартномалар асосида 2010 йилда 54 нафар мижозга микролизинг хизматлари кўрсатилди. Бу мақсадлар учун 1,3 миллиард сўм сарфланди.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси ва бошқа қатор масъул ташкилотлар тамонидан ҳар йили ўтказиладиган "BANK EXPO 2011" деб номланган банк технологиялари, жиҳозлари ва хизматлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда "Микрокредитбанк" фаол иштирок этди. Кўргазма якунида банк республика молия муассасалари ўртасида ўтказилган танлов натижаларига кўра "Энг кўп ташриф буюрилган стенд" ва "Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк" номинацияларида бўйича ғолиб деб топилганининг ўзи банкнинг шу кунлардаги фаолиятига берилган баҳодир.

Чилонзор туманидаги "Дармон-сервис" диагностика маркази билан ҳамкорлик қилди.

— Тиббиётда ҳар қандай касалликни даволаш учун, энг аввало, беморга тўғри ташхис қўйиш муҳим омил ҳисобланади. Икки йил аввал банк билан ҳамкорлик қилиб, 60 миллион сўмлик микролизинг хизмати эвазига замонавий УЗИ аппаратини келтириб ўрнатдик, — дейди Марказнинг Бош шифокори Муҳаббат Мирбобоева. — Натижада мижозларга хизмат кўрсатиш сифат ва самарадорлиги кескин ортди. Шундан сўнг банк билан ҳамкорликни давом эттирган ҳолда жорий йил бошида 99,2 миллион сўмлик микролизинг ҳисобига Жанубий Кореядан янги SonoAce 8000 live ультра товушли ташхис қўйиш сканери жамланмасини олиб келиб ўрнатдик.

Айни пайтда муассасамизда 12 нафар тиббиёт ходими кунига 30-40 нафаргача мижозлар саломатлигини назоратдан ўтказишмоқда. Энг муҳими, бизнинг тиббий хизматларимиздан кўплаб юртдошларимиз мамнун бўлишмоқда.

Микролизинг портфелининг 21,2 фоизи микрофирма, 29,8 фоизи хусусий корхона, 19,8 фоизи масъулияти чекланган жамият ва 29,8 фоизи фермер хўжаликларига кўрсатилган хизматларга тўғри келади.

Банкнинг энг ишончли ва фаол ҳамкорлари тадбиркор аёллар ҳисобланади. Беш йиллик фаолият давомида банк тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш учун 70 миллиард сўмдан зиёд микрокредитлар ажратди. Жорий йил давомида эса 30,4 миллиард сўм айнан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилади.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аёллар ривожланиши жамғармаси (ЮНифем) билан ҳамкорликда Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш лойиҳасини амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди. Лойиҳани Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида амалга ошириш мақсадида Хотин-қизлар қўмитаси ва "Микрокредитбанк" ўртасида ўзаро ҳамкорлик келишуви имзоланди. Ушбу лойиҳанинг келгусидаги самараси бевосита кам таъминланган оилалардаги аёлларга гуруҳ кафиллиги асосида бошланғич сармоя микрокредитлари ажратилишида катта ёрдам бўлади. Натижада аёлларимиз банкнинг имтиёзли сармояларидан янада кенгроқ фойдаланиш имкониятларига эга бўладилар.

Банкнинг бу каби саъй-ҳаракатлари халқаро миқёсда ҳам муносиб баҳоланди. 2010 йил якунлари бўйича ижтимоий йўналишлардаги "Mikro-FinanzaRating" компанияси (Италия) "Микрокредитбанк"ка халқаро қабул этилган SBB меъёрларига мувофиқ "Амалда ўз мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш ва зиммасига юклатилган ижтимоий вазифаларни самарали бажариш борасида етарли қобилиятга эга, ўз ижтимоий мақсадларига эришиш эҳтимоллиги юқори бўлган банк" деган ижтимоий рейтинг тақдим этди.

Банк айни пайтда дунёдаги йирик молиявий ташкилотлар — Жаҳон банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кредит линиялари грантларини Ўзбекистон Республикасида кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга жалб этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, банк бугунги кунда нафақат республика, балки халқаро миқёсда ишончли микромолиявий муассаса сифатида тан олинди. Истиқболни кўзлаб амалга ошираётган ишлари туфайли "Микрокредитбанк" Бутунжаҳон микромолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви — "MIX-MARKET" агентлиги ҳисоботларига кўра, Марказий Осий ва Европадаги микрокредитлар бериш йўналишида йириклиги бўйича жаҳоннинг энг яхши 100 банки сафига кирди ҳамда 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида эътироф этилди.

Халқаро миқёсда шу кунларда эришган ютуқларни яна таъкидлаб ўтадиган бўлсак, банк "Осиё банкирлари уюшмаси" аъзолигига қабул қилинди, Халқаро "Fitch Ratings" агентлиги "Микрокредитбанк"нинг узоқ ва қисқа муддатли кредитга лаёқатлилик рейтингларини "В" — "Барқарор" даражасига кўтарди. Лондон шаҳрида дунёнинг 140 дан ортиқ етакчи банкларининг вакиллари иштирокида бўлиб ўтган «Bank of The Year Awards — 2010» тақдимот маросимида «Financial Times» компанияси томонидан «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки «2010 йилда Ўзбекистоннинг энг яхши банки» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

2011 йил Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида амалга оширилаётган ишлар соҳа учун ихтисослашган "Микрокредитбанк" зиммасига яна ҳам катта масъулият юклайди.

Рашид РАУПОВ ®

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!

Телефон: (8 371) 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда саноат соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Сўнгги ўн йил ичида мамлакат ялпи ички маҳсулотда саноат улушининг 10 баробардан ортиқроққа ортгани ана шу эътибор самарасидир.

Дастур самараси

Таъкидлаш жоизки, республикамиз саноат корхоналарида йилдан-йилга маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқилган маҳсулотлар миқдори ошиб бормоқда. Бунда, албатта, маҳаллийлаштириш дастурига кирган саноат корхоналари учун кўплаб қулайлик ва имтиёзларнинг жорий этилгани муҳим ўрин тутмоқда. Масалан, бундай корхоналар импорт божи, акциз тўлови, даромад (фойда) солиғи, ягона солиқ тўлови ва мол-мулк солиғидан озод этилади. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш жараёнига янги, самарали технологиялар жорий этилиб, маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланилмоқда, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, импорт ҳажмининг камайишига, валютанинг тежалишига сабаб бўлмоқда.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда республикамизда маҳаллийлаштириш дастури асосида 400 га яқин корхона самарали фаолият юритяпти. Улар томонидан дастур асосида ўтган йилнинг ўзида 1 минг 76 та лойиҳа амалга оширилди, ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баробарга ошди. Шундан 627 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот четга экспорт қилингани эътирофга моликдир.

Умуман олганда, мамлакатимизда маҳаллийлаштириш дастури доирасида кенг кўламли ишларнинг амалга оширилиши иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланишига катта туртки бўлмоқда.

Бобур ТУРДИЕВ,
ТМИ талабаси

✓ 2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Тадбиркорга мададкор

Жиззах вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратишда «Микрокредитбанк» ОАТБ вилоят филиали ҳамда унинг туман филиаллари кўплаб хайрли ишларни амалга оширмоқда.



Банкнинг Зомин ва Зарбдор филиаллари 6 та мини банк орқали аҳолига микромолиявий хизматлар кўрсатиб келмоқда. Зомин туманида жорий йилнинг биринчи чораги давомида ажратилган 414,1 миллион сўмлик кредитдан 234 миллион сўми микрокредитлар бўлиб, улар ҳисобига 123 та янги иш ўрни яратилди. Зарбдор туманида эса 215 миллион сўмлик кредитлар ҳисобига 65 киши иш ўрни билан таъминланди.

Зомин туманида «Дилноза-Ноила» хусусий фирмаси «Микрокредитбанк» ОАТБ Зомин тумани филиалидан мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш учун 3 йил муддатга 60 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, ушбу кредит эвазига 15 та янги иш ўрни яратишга эришди.

— Корхонамизда мебель жиҳозларини ишлаб чиқариш учун банк кредитидан фойдаланиб, Хитой Халқ Республикасидан янги, замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатдик. Ҳозир корхонамизда офис, ётоқхона ва меҳмонхона мебеллари, ошхона жиҳозлари ҳамда бошқа ҳар хил турдаги мебель жиҳозлари ишлаб чиқариляпти, — дейди корхона раҳбари Дилшод Абдураҳимов. — Келгусида корхонани кенгайтириб, қўшимча иш ўринлари яратиш ниятимиз йўқ эмас.

Зарбдор туманидаги «Метин тизим» кўп тармоқли хусусий корхонаси раҳбари, жонкуяр тадбиркор Олим Тўраев 10 миллион сўмлик имтиёзли банк кредити ҳисобидан спорт-соғломлаштириш мажмуасини барпо қилди. Натижада бугунги кунда ушбу спорт мажмуасида юзлаб ёшлар спортнинг дзюдо, миллий кураш, таэквандо ва бадиий гимнастика каби турлари билан мунтазам шуғулланиб келмоқдалар.

— Биргина бадиий гимнастика бўйича юздан ортиқ қизлар соғломлаштириш мажмуамизга келиб қатнашмоқда, — дейди Олим Тўраев. — Келажакда аёллар фитнес залини очмоқчимиз, кураш клуби фаолиятини йўлга қўймоқчимиз.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда вилоятимизда тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Шу туфайли юртимизнинг эртанги куни бундан-да фаровон, бундан-да тўкисроқ бўлишига имконият яратилмоқда. Шу боис, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш энг муҳим ва энг долзарб масалалардан биридир.

Норқул МАМИРОВ ®

Солиқ

ЧЕК бермаганга ёзилади

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги «Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида»ги ва 2002 йил 5 августдаги «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳудудида жойлашган савдо ва умумий овқатланиш шохобчаларида доимий равишда назорат тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 119-моддасида фискал хотирали назорат-касса машиналаридан ва тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш тартиби бузилганда қўлланиладиган молиявий жарималар кўрсатиб ўтилган. Унда қайд этилишича, бундай қонунбузарлик энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ушбу ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида яна содир этилса, энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солинади.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман давлат солиқ инспекциясининг назорат тартибидаги ва қисқа муддатли текширувларни ташкил этиш шўъбаси томонидан 122 та қисқа муддатли текширув ўтказилди. Бу текширувларда назорат-касса машинаси харид чекини бермаслик ҳоллари аниқланди ва 193 миллион 220 минг 400 сўмлик молиявий жарималар қўлланди.

Туман ҳудудида яшовчи аҳоли ва савдо субъектлари ходимлари билан семинар, йиғилишлар ўтказилиб, юқоридаги қарорларнинг моҳияти атрофлича тушунтириб борилмоқда.

Шокирбек ИСОҚОВ,
Шайхонтоҳур туман ДСИ бўлим бошлиғи

Имкониятлар самараси

Юртбошимизнинг 2007 йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мана, тўрт йилдирки, соҳа ривожида ўзига хос дастуриламал вазифасини бажариб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланишида ҳуқуқий асос бўлиб келмоқда.

Ушбу Фармон билан хўжалик юритувчи субъектларга уч йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтариш, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдорида (тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан) фойдадан олинадиган солиқ базасини камайтириш ҳуқуқи берилган. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солиғидан озод этилиши кўзда тутилган, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналар учун беш йил давомида ягона солиқ тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базани харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирган ҳолда, солиқ имтиёзлари жорий этилган. Бу имкониятлар корхоналар фаолиятида ўзининг улкан ижобий хусусиятлари билан намоён бўлмоқда.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида фаолият юритаётган "Istel", "DJK Bunyod", "Greyd Tenar Biznes" масъулияти чекланган жамиятлари республика ташқарисидан янги асбоб-ускуналар келтирдилар. Масалан, "Greyd Tenar Biznes" МЧЖ Россиядан темир эшик, ром ва дарвозалар ясовчи ва уларга тасвирий ишлов берувчи ускуналарни 84978,2 минг сўмга олиб келган. Корхона ўз иш фаолияти давомида айни пайтгача 51146,6 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган. Солиқ солинадиган база эса 12786,6 минг сўмга камайтирилиб, шу сумма миқдорида имтиёзга эга бўлган. Имтиёз натижасида тежаб қолинган маблағ эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қўшимча иш ўринлари ташкил этиш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини яхшилашга йўналтирилган.

Саидвали САИДУМАРОВ,
Мирзо Улуғбек туман ДСИ ресурслар, бошқа солиқлар ва йиғимларни назорат этиш шўъбаси бошлиғи

Долзарб мавзу

Бодилар "санъати"

ёхуд боди-арт ҳақида мулоҳаза

Метрода ёнимда кетаётган йигитча рўпарамизда ўтирган қизни нигоҳи билан кўрсатиб, шеригига шивирлади:

— Анавини қара, чаёни бор экан.

Шериги уни тушунмади, шекилли, бир дугонасига гап сотаётган қизга, бир ўртоғига қаради.

— "Кетворган" экан демоқчимисан?

— Йўғ-ей, билагига қара, билагига!

Мен ҳам қизиқиб, йигитча имлаган томонга нигоҳ ташладим. Рўпарамизда ўтирган қизнинг билагига думини гажак қилиб турган чаён расми солинганди. Шу пайт поезд тўхтаб, дугоналар ўрнидан туришди. Эътиборимизни тортган қизнинг ҳамроҳи вагоннинг тепа тутқичидан ушлаш учун қўлини кўтарган эди, белини салгина ёпиб турган кофтаси кўтарилиб, баданида «тўрига ёпишган ўргимчак» кўринди. Буни кўрган йигитчалар очиқчасига кулишди.

— Қара, чаённинг зўри бу ёқда экан!

— Чиқиб келаётган жойини қара...

Қизлар гап ўзлари ҳақида кетаётганини билиб, лабларини буришди-да, вагондан тушиб кетишди.

Бу воқеани кузатиб турган ёши каттароқ аёл бошини чайқаб қўйган бўлса, бошқаси «Эҳ» деганича яна қўлидаги газетага тикилди.

Афсуски, бугун айрим ёшлар орасида урф бўлаётган боди-арт (инглиз тилидан body art — "тана санъати", ўз тилимизда эса оғзига келганини гапирадиган олифта кимсаларни "боди", "бодича" дейишади. Нима бўлганида ҳам бодилар)нинг тарафдорлари сезиларли даражада кўпайиб бормоқда. Қизларимиз, келинчакларимизнинг "қош-кўзини попуқдек, лабини ғунчадек" қилиб қўйишга ихтисослашган татуаж салонлари ҳам ёмғирдан сўнг потирлаб чиққан қўзиқориндек кўзга ташланиб бораяпти. Уларда нафақат қош ва лаб, балки тананинг исталган жойига нақш ҳам солинади. Бу хизматни чўнтак кўтарса бўлгани. Кўп ҳолатларда сурат тананинг очиқ жойларига игна орқали танага ранг киргизиб чизилади (татуировка).

Боди-артнинг илк кўринишлари XX аср бошларида пайдо бўлган. 1960 йилларга келиб, у Европада кенг тарқалади. Айнан шу йиллари боди-арт вакиллари ўз таналарини ижод материали сифатида намоён қилиб, аксарият ҳолатларда оғриқли амалларни бажаришади. Масалан, франциялик Ж.Пан сочини ёқиш орқали бошига расм солади, австриялик Р.Шварцкоглер ўз танасидан кичик-кичик бўлаклар кесиб олиб, "ярали сурат" яратиш жараёнида кўп қон йўқотиб ўша ернинг ўзида вафот этади.

1960-1970 йилларда Л.Онтани, Р.Хорст, Х.Вилке, П.Коттон, У.Лути, Ю.Клауке, Л.Кастелли, В.Трасов, П.Олешколар яланғоч танани турли рангларга бўяб, "модалар фестивалини" ташкил этишади ва боди-артнинг бодипейтинг, яъни танага сурат чизиш йўналишига асос солади. Бугунги кунда боди-артнинг фейс-арт (юзга расм солиш), нейл-арт (тирноқларни бўяш), менди-арт (танага хина ёрдамида расм солиш), пирсинг (тананинг маълум бир қисмини тешиб, тақинчоқ тақиш), скайс (тишни бўяш), кўз имплантлари (кўзнинг оқига расм солиш), скарификация ёки брэдинг (чуқур яралар орқали танага бирор бир нақшни чизиш, тамға босиш) каби турлари мавжуд.

Албатта, боди-арт тарафдорлари, аввало, омма ичидан ажралиб туриш, ўз таналарини кўз-кўз қилиш, ўзгалар эътиборини тортишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўядилар ва бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмайдилар. Афсуски, енгил табиатли ўсмирлар, ёшлар уларга кўр-кўрона эргашадилар ва таналарига чиздираётган расмларнинг туб моҳиятида маълум бир маъно-мазмун борлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Жаҳон халқлари тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ҳиндлар, ҳиндулар, Африка, Австралияда истиқомат қиладиган баъзи бир қабилалар дунёқарашлари, диний эътиқодларига кўра таналарига расм чизиб, бўяшган, турли хил тақинчоқлар тақишган. Кейинчалик ўғри, фирибгар, қаллоб, қотил, фоҳишаларга қилган жиноятига қараб танасига турли хил қизиган темир билан тамғалар босилган. Натижада XIX асрнинг охирига келиб ҳибсга олинган жиноятчилар ўртасида танага турли хил нақшлар (наколкалар) солиш урф бўлади ва улар қамоқхонада маълум бир мавқени эгаллашган. Жиноятчилар ўртасида мазкур одат ҳозир ҳам сақланиб қолган. Жиноятчининг билаги, қўли, бўйни, танасига чизилган турли хил татуировкаларга қараб, уларнинг нима жиноят қилганлигини осонгина аниқлаш мумкин.

Энди юқорида келтирилган воқеага назар ташлайдиган бўлсак, айрим қизларнинг танасига чизилган чаён ва ўргимчак суратлари жиноятчилик оламида ўз маъносига эга. Чаён зўравонлик, қасос олиш маъносини билдирса, ўргимчак гиёҳвандларнинг ўзига хос белгиси. Шунингдек, ўргимчак суратини ўғрилар ўз таналарига чиздиришади, у тананинг қайси жойидалигига қараб маънони англатади. Қизлар бундан бехабар бўлишса керак, акс ҳолда, ўзларига бир умр бундай тамғани босмаган бўлар эди.



Халқимиз қадимдан аёлни, айниқса, қиз болани ҳаёси, одоби, ибоси учун ҳурмат қилади, қадрлайди. Бугунги кунда унинг бу хислатларига қизларимизнинг билими, кенг дунёқараши, ўз юртига, ота-онасига, туғилиб ўсган она тупроғига бўлган меҳр-муҳаббатини қўшиш мумкин. Охирги гаплар, албатта, йигитларга ҳам тегишли. Ёшлик қилиб, ўз таналарига турли ҳашаротларнинг расмини татуаж орқали чиздирган йигит-қизлар, балки ўзларини маданиятли, замонавий инсонлар деб санашлари мумкин. Бироқ... Қош устига, лаб остига зирак тақиш, думғаза устига расм солиш, ҳар бир гапга инглиз ёки бошқа тилдаги сўзларни қўшиб, ўзини "ўта замонавий" ва "маданий" деб билиш, аслида, ғирт маданиятсизликнинг ўзидир. Муқаддас ҳадисларимизда инсон ўзига, танасига озор етказиш гуноҳ эканлиги қайд этилади, болани бадхулқ этиб тарбиялаш жамиятга етказиладиган энг катта зарарлардан бири сифатида кўрсатиб ўтилади.

Бу борада биз билан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашган педагогика фанлари номзоди Зебо Ахророва шундай дейди:

— Афсуски, сўнгги пайтларда умуминсоний тамойиллар ва қадриятларнинг эмас, балки оммавий маданиятнинг ортидан эргашиш ҳоллари учраб турибди. Компьютер технологияларининг ривожланиши инсониятнинг олға қадам ташлашига сабаб бўлиши билан бирга, эгоцентризмнинг кучайишига олиб келмоқда. Айниқса, воя етмаган ўсмирлар ва ёшларнинг ўз қобиғига ўралиб, яқинлари, жамият манфаатларидан кўра ўз манфаатларини устун қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслик учун, аввало, ота-оналар, қолаверса, кенг жамоатчилик ҳушёр бўлиши зарур. Албатта, боди-артга берилиб, танасига турли тақинчоқлар тақиб, нақшлар солдириб "ўзига хос" бўлиш осон, аммо баъзи ҳолатларда бир умр баданда тамға бўлиб қоладиган бундай суратларни йўқотиш жуда ҳам қийин. Татуировкани ўчириш натижасида баданда қоладиган яра изи, ўша қиз ёки йигитнинг қалбида ҳам доғ қолдириши аниқ.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бундайларнинг ўйламай босган ҳар бир қадами қандай салбий ҳолатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида, албатта, биринчи навбатда, ота-оналари ўсмирлик даврини ўз бошидан кечираётган фарзандларининг ҳар бир қадамини кузатишлари, дўстлари даврасидан хабардор бўлишлари, энг асосийси, фарзандлари билан очиқ гаплашиб, ўғил ёки қизларининг ҳиссий кечинмаларидан бохабар бўлган ҳолда, уларнинг ишончини қозонишлари лозим. Ёшларимизнинг оммавий маданият гирдобига тушиб қолмаслиги биз — педагоглардан ҳам ҳушёрлик талаб этади. Бунинг учун таълим муассасаларида шифокорлар, руҳшуносла, ҳуқуқшуносла, маҳалла оқсоқоллари иштирокида давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар ўтказиб, ўқувчи-ёшларда танқидий фикрлашни, воқеани, келаётган ахборотни таҳлил этиш кўникмаларини шакллантириш, синфдан ташқари дарсларда, тарбиявий соатларда оммавий маданият турлари ва кўринишларини муҳокама қилиш, зарур бўлса, мазкур мавзуга бағишланган факультатив дарслар ташкил этиш лозим. Зеро, буюк педагог Абдулла Авлоний эътирофига кўра, тарбия ҳаёт ва мамот масаласи бўлиб қолмоғи лозим.

Наргис ҚОСИМОВА,
журналист

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

Тарбия

БОЛА БАЛО БЎЛМАСИН ДЕСАНГИЗ

Баъзи ота-оналар болани жазоламасликнинг мутлақо иложи йўқ, деб ҳисоблашади. Тўғри, у гоҳида гапингизга қулоқ солмаслиги, хархаша қилиб, тинчлик бермаслиги мумкин. Лекин борлиқни эндигина ўргана бошлаган мурғакни билиб-билмай қилган ёки қилмаган иши учун жазолаш шартмикан? Ахир, гўдак кўнглига озор бермай, яхши тарбия бераётган ота-оналар ҳам бор-ку?!

Ота-она фарзандига "Мана бундай қил!" — деб ўргатади. Бола эса қайсарлик қилиб, ўз билганидан қолмайди. Бундай вазиятда нима қилиш керак? Бир ўйлаб кўринг: биз катталар ҳам бирор муаммо билан юзма-юз келганда кўпинча кекса авлоднинг тажрибасини инкор этиб, ўз йўлимизни танлашга ҳаракат қиламиз. Бундай қулоқсизликни эса ўзимизча "шахсий фикр" деб баҳолаймиз. Бироқ мана шу "қулоқсизлик" туфайли биз бебаҳо тажриба орттириб, мустақил бўлишни ўрганамиз, ҳаётда ўз йўлимизни топамиз.

Ота-оналар жигарбандларини ўз бошларидан ўтказган қийинчиликлардан, азобу уқубатлардан асрашга ҳаракат қилади. Уларнинг мақсади эзгуликдан ўзга нарса эмаслигига шак-шубҳа йўқ. Бироқ оқибатда ота-она боласини зарур эркинликдан чеклаб қўяди. Тажриба орттиришга интилиш бола ва ота-она ўртасидаги тушуниш ва ишончга путур еткизса ёмон бўлади.

Кўп ота-оналар жазоламасдан тарбия қилиб бўлмайди, деб қаттиқ адашади. Улар болани тўғри йўлга солиш учун ўзига хос ақидага амал қилади: "Аввал огоҳлантираман. Кейин талаб қиламан. Шунда ҳам айтганимни қилмаса, жазолайман". Жазолашнинг турлари ҳам кўп: тарсаки тушириш, бурчакка турғазиш, хонада ёлғиз қолдириш, тасма билан кўркитиш, ширинлик ёки мультфильмдан жудо қилиш... Энди вазиятга боланинг кўзи билан қарайлик. Нима деб ўйлайсиз, у айни чоғда нимани ҳис қиларкин? Қилган ишидан афсусланадими? Йўқ, асло! Бу ёшда бола қилиб қўйган ишининг оқибатларини деярли англамайди. Лекин унга кўрсатилаётган қаҳр-ғазабни жуда яхши тушунади. Натижада, боланинг хаёлидан "Мени ҳеч ким яхши кўрмайди. Менга эътибор ҳам бермайди", деган ўй кечади. Бундай туйғу бола руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Баъзида жазолаш ёмон хулққа барҳам бериб, бола сиз тақиқлаган ишларни қилмайди. Чунки у жазоланишдан қўрқади. Шунинг учун мабодо сиз тақиқлаган нарса махфий тарзда амалга оширилса, бундан ажабланманг. Энди сиз болани ёлғон гапириш ҳамда муғомбирлик қилгани учун ҳам жазолашга тушасиз. Бу кетишда бундай боши берк кўчадан чиқишингиз даргумон.

"Боламни жазолашга умуман ҳожат йўқ", дейдиган оналар ҳам топилади. Бахти бор экан, унга камтар, босиқ фарзанд насиб қилибди, деб ўйламанг. Бунақа боланинг ўзи йўқ. Фақат унинг оиласида муҳаббат ва ҳамфикрликка асосланган илиқ муносабатлар ҳукмрон, холос.

"Бировнинг тажрибаси ҳали ҳеч кимга ҳеч нимани ўргатмаган", — деб киноя қилган экан бир файласуф. Фарзандларимиз эса ҳар куни бу фикрнинг тўғрилигини исботлашади. Она ўғлига "Дарахтга чиқма, йиқиласан!" деб бақирса ҳам у барибир чиқади ва табиийки, йиқилади. Сўнг ўрнидан туриб, яна чиқади. Фақат бу сафар бошқача йўл билан. Буни қаранг, у шохдан маҳкам ушлаб олибди. Демак, фарзандингиз ўсяпти.

"ПЕДАГОГИК ЖИНОЯТ"ДАН САҚЛАНИНГ

Ота-оналар кўпинча бола табиатидаги ўзгаришларни кўриб чўчишади. Бироқ бу ўзгаришларнинг аксарияти боланинг ёшига боғлиқ ўзига хос хусусиятдир. Афсуски, кўп ота-оналар бундан бехабар. Шунинг учун ҳам улар болаларга нисбатан ўта қаттиққўллик қилади.

Кеча-кундуз тўхтовсиз йиғлаётган икки ойлик гўдакни жазолаш ҳеч кимнинг хаёлига келмаса керак. Ота-она унинг йиғлашига бирор арзигулик баҳона йўқлигини жуда яхши билади: бола соғлом, қорни тўқ, мизғиб олган, таглигини алмаштиришган...Шунинг учун ҳам ўзларича хулосага келишади: кўтаришни хоҳлаяпти, уни тинч қўй! Бекор айтибсиз! Бу ёшда гўдакни ота-она эътиборидан жудо қилиш жазолашга тенг. Бола руҳиятига салбий таъсир кўрсатиш эса чинакам педагогик жиноят саналади.

Навбатдаги ёшга доир ўзгариш бир ярим ёшда бошланади. Болакай онасининг ортидан қолмайди. Ахир у онасининг бирорта қариндошига ташлаб, кўчага кетишидан қўрқади-да. Она бир амаллаб чиқиб кетди ҳам дейлик, ана ўшанда кўрасиз ҳақиқий хархашани. Яқинда юришни ўрганиб олганига қарамай, энди қаёққа боришини ўзи танлай олишини яхши тушунади. У энди атрофни бемалол ўрганиши мумкин. Бироқ онаси бўлмаса, ҳимоясиз қолишини ички ҳис билан сезиб туради. Ана шундан чўчийди!

Уч ёшдаги ўзгаришлар ота-онани, айниқса, қўрқувга солади. Агар уришиб, тарсаки солса, янада қаттиқроқ йиғлай бошлайди. Эътиборсиз қолдирса, дув-дув кўз ёшини тўкади. Қучоқлаб, тинчлантиришга уринса ҳам, митти қўллари билан итариб ташлаб, яна жазавага тушади. Агар бу ёшдаги ўзгаришга оиладаги зиддиятлар, болалар боғчасига кўникиш, иккинчи фарзанднинг пайдо бўлиши, ота-онанинг ажрашиши каби бола руҳиятига зарар етказувчи ҳолатлар ҳам қўшилса, жазава янада кучайиши исботланган. Бирор арзигулик сабаб бўлмаса-да, бола атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кузатиб боринг. Эҳтимол, бола боғчадаги энага ёки доимо унинг ёнида бўлувчи бувиси билан келишолмай қолгандир. Салбий омиллар таъсирини камайтиришга ҳаракат қилинг, шунда боладаги асабий тутқаноқ камаяди. Психологларнинг фикрича, қулоқ солмаслик бола менининг шакланишидаги муҳим босқичдир. Шу тариқа у ўзини мустақил тута бошлайди.



Тартибни яхши кўрадими, демак, унинг атрофида барқарорлик ҳукмрон. Дарвоқе, бу ҳол кўпинча зиддиятларга сабаб бўлади. Дейлик, она ўйинчоқни унинг рухсатисиз нарироққа суриб қўйди, ота эса тушлик вақтида унинг доим ўрганиб қолган жойига ўтириб олди. Ана шунда гўдак тартибнинг тикланишини талаб қилади. Ота-она эса уни инжиқликда айблаб, ўзларича қайта тарбиялашга уринишади. Бироқ гап шундаки, атрофдаги барқарорлик бола учун хотиржамлик ва осойишталик гаровидир. Шунинг учун ота-оналар иложи борича болакайнинг талабларига бўйсуниши керак.

ҲАМ ТАНҚИД, ҲАМ МАҚТОВ...

Мутахассисларнинг фикрича, кўпчилик олдида жазолаш ҳам самарасиз экан. Негаки, униси ҳам, буниси ҳам болани бошқалардан ажратиб қўяди. Болага эса ўзини ўзгача ҳис қилиш ёқмайди. Болани жазолашга бутунлай қарши бўлган оналар яхши хулқли болани қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириш тизимига ўтиб олишган. Бу тизимга кўра, ота-она боланинг яхши хатти-ҳаракатини диққат билан кузатиб, бу ҳақда овоз чиқариб ҳаммага маълум қилиши керак. Мисол учун, кичкина бола латтани қўлга олиб, пол артишга чоғланди. Майли, унинг ёрдамидан ўмуман наф бўлмасин, лекин она, албатта, боланинг ёрдами учун мақтаб қўйиши керак. Мазкур усул боланинг фаолиятини ижобий томонга йўналтириб, ёмон одатларни ташлашга ёрдам беради.

Қулоқсизлик хуружи ҳамма оилада содир бўлади. Бундай ёшда бола ўйинчоқни пала-партиш ўйнайди. Болани ҳеч қачон яхши кўрган ўйинчоғидан жудо қилманг. Фақат болага қилиб қўйган ишидан хафа эканлигингизни билдиринг.

Унга катта одам билан гаплашгандай муомала қилиш лозим: "Синглингни урганинг учун мен сендан хафа бўлдим", "Телевизорни узоқ томоша қилсанг қаттиқ хавотирланаман..." Балки ўша лаҳзада натижасини кўрмассиз, лекин вақти келиб ўзгаришлар, албатта, бўлади. Катталарнинг ҳар бир айтган сўзи боланинг онги-шуурида муҳрланади. Меҳмонга борганда ёки кўча-кўйга чиққанда болангизнинг айнан сиз тушунтиргандай хатти-ҳаракат қилишидан қувонасиз.

Афсуски, дунёда ҳамма учун бир хил ҳақиқат бўлмайди. Шунинг учун қийинчиликлар билан рўбарў келганда болалар психологига мурожаат қилишдан уялманг. Шунингдек, ота-оналик ички сезгингизга қулоқ солинг. Тарбия масалаларида ундан яхши маслаҳатчи йўқ!

ИМКОН БЕРИНГ

Агар бола кўз олдимизда иссиқ чойнак ёки пичоққа қўл чўзса, машина йўлига югурса, қўрқув ва ғазаб ҳисси устун келган она боласига, ҳатто, шапалоқ тортиши ҳеч гап эмас. Гарчи бунда боланинг айби бўлмаса-да. Қизиқувчанлиги туфайли бола ҳали нима юз беришини билмайди. Бундай вазиятда ота-она дастлаб болани хавф-хатардан асраб, кейин сал эси кирганда, ҳаммасини бирма-бир тушунтириб бериши керак. Иложи бўлса, вазият билан болани таништириш керак. Мисол учун, болага иссиқ (қайноқ эмас) чойнакка тегиниб кўришга имкон беринг.

ВАЗИЯТНИ МУРАККАБЛАШТИРМАНГ

Бошқаларнинг ўйинчоғини тортиб оладиган, урушқоқ бола, табиийки, онасидан танбеҳ эшитади. Бироқ боладаги тажовузкорлик ота-онанинг айнан шундай хатти-ҳаракати натижасида келиб чиқиши исботланган. Агар бола онасининг шапалоғига ўрганиб қолса, у ҳам ўзини тенгдошлари орасида шундай тутади. Ахир зиддиятларни ҳал этишнинг бошқа маданиятли кўринишларидан бехабар бола учун бу хатти-ҳаракат одатий ҳолга айланади-да. Болани бу тарзда жазолайвериш вазиятни бирёқли қилиш ўрнига уни янада мураккаблаштиради.

МУСТАҚИЛ БЎЛИШИГА ШОШИЛМАНГ

Она кечки овқатни тайёрлаб, севимли сериалини томоша қилишни ёки телефонда гурунглашишни хоҳлайди. Биз фарзандимиз тезроқ мустақил бўлишини орзу қиламиз ва ундан масофа сақлашга уринамиз. Бироқ мустақил бўлишига ҳаддан зиёд эрта ўргатиш тескари натижага олиб келиши мумкин. Унда бола ўзини ёлғиз ҳис қила бошлайди.

ҚИЗИҚИШИНИ ЧЕГАРАЛАМАНГ

Бундай қайсарлик, айниқса, оналарга ёқмайди. Лекин бу норозиликдан фойда йўқ: фарзанд сизга бўлган меҳрини шундай ифодалаяпти, холос. Бунинг учун уни жазолаш умуман нотўғри.

Ота-оналарнинг норозилигига сабаб бўлувчи бу каби вазиятларни кўплаб келтириш мумкин. Бола секин-аста оламни англай бошлайди, ўзича турли хатти-ҳаракатларга қўл уради. Биз катталар эса унинг қизиқувчанлигини чегаралаб, унинг ички дунёсини ўзимизга мослашга ҳаракат қиламиз.

Ҳурматли ота-оналар! Билиб қўйинг, боланинг ҳар қандай хархашаси унинг ривожланишидаги тўсиқларга бўлган норозилигидир.

Миржалол МАҲМУДОВ

Фикр

ШУКРОНАЛИК ҲАМ БИЛИМДАН

Ҳар тонг дераза оша таралаётган қуёш нури умрингизда янги кун бошланаётганидан дарак беради. Эринибгина уйқудан кўз очасиз. Аммо яна бирпас мизғигингиз келади. Бошингизни қайта ёстиққа ташлайсиз. Орадан кўп ўтмай яна... Бугун қилиниши керак бўлган юмушлар ҳаловатингизни ўғирлаган, хаёлингизда аввал у, кейин бу ишни амалга оширишни кўзлаб, иложсиз ўрнингиздан қўзғаласиз.

Келинг, яхшиси бироз шошмай туринг! Турмуш икир-чикирлари билан андармон бўлиб кетмасингиздан би-ир ўйлаб кўринг, мулоҳаза юритинг.

Тонгда қайта кўз очаётганингиз, умрингизнинг давом этаётгани БАХТ эмасми?!

Тўрт мучангиз соғ, вужудингиз омон. Инсон учун бундан катта бойлик борми?!

Эл-юрт, маҳалла-кўй осойишта. Бу неъматнинг қиёси борми?!

Яқинларингиз, жигарбандларингиз бағридасиз. Буни қайси бойликка алмаштирасиз?!

Ҳис қилдингизми, қанчалар бахтиёрсиз! Бу бахт эвазига дилингизга ШУКРОНА келмаяптими? Мана шундай озод, осуда кунларга етиш кимларгадир армон бўлгани, яна кимлардир шу кунлар учун жон фидо қилгани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

"Бугунги авлод кўпам шукронани билавермайди", дея ёзғиришади кексалар. Чиндан-да, ўтмишни яхши билмаслик, уни бугунга муқояса қилмаслик, шу асосда эртанги кунга замин ҳозирламаслик бу билимсизликдан далолат. Имконият бўла туриб билим эгалламаслик эса кечирилмайдиган айб. Чунки ривожланган илм-фан хулосаларида ҳам, шариат аҳкомларида ҳам ҳар бир киши умрининг сўнгги лаҳзасигача билим эгаллашга интилиши лозимлиги таъкидланади.

Хўш, илм эгаллаш ўзи нима? "Билим" сўзи маъносини фақат она тили қоидалари, математик тенгламалар, геометрик теоремалар, кимёвий формулалар, тарихий саналарни ёдлаш, ўрганиш деб қараш у қадар тўғри хулоса эмас. Бу сўз замирида ҳозир айтиб ўтилганлар билан бирга "ҳаёт қонуниятлари", "ахлоқ категориялари", "дунёни англаш", "яшаш эҳтиёжи", "кураш завқи" каби тушунчалар ҳам мужассам. Қувонарли жиҳати, бугун юртимизда илм эгаллаш, билим олиш учун барча имкониятлар мавжуд. Шундай экан, ўқиш-ўрганиш, меҳнат қилиш, шу йўл билан моддий ва маънавий бойликка эга бўлишга кенг йўл очилган замонда умрнинг ҳар бир дамидан оқилона фойдалана билмаслик нотавонлик эмасмикан?

Яна бир гап: ўз оилангизни ўнг ва чап ёнингиздаги қўшнилар билан чоғиштиринг. Тафовутни сездингизми? Энди мулоҳаза қилинг: сиздан яхши яшаётган қўшнингиз нимаси билан устун. Билими, меҳнати, оиласига муҳаббати билан, албатта.

Тўғри, бу ўта жўн мисол. Лекин дунё ўзи шунақа. Қайсики халқ, миллат, оила аъзоларининг бир-бирига, элга меҳри бўлса, тафаккурини билим гавҳарлари билан бойитса, оламда ундан бой халқ, миллат, оила бўлмайди.

Азизлар, мулоҳазаларимиз мағзини чақиб кўринг.

Навбатдаги тонг отди. Эринибгина кўз очдингиз. Номигагина нонушта қилиб, кундалик ташвишлар... Тўхтанг! Ахир, бу тонг, қуёш, осмон, ер бошқача-ку! Шундай эмасми? Дарвоқе, шукронани унутмадингизми?

Гулчеҳра МУРОДОВА,
журналист

Туйғулар

ОТА УЙ

Холида момонинг кечаси билан оёғи оғриб чиқди. Тонг саҳар қўрадаги қўйлари маърайвериб, маҳаллани кўчирай деди. Уларга емиш бериб, кўчага узоқ термилди: зора шу бугун келиб қолар деб. Уйга қайтиб киргиси келмади. Ҳайҳотдек ҳовлида ёлғиз ўзи нимаям қилади.

Оилада озчилик бўлса ҳам ёмон экан. Яккаёлғиз ўғли шаҳарга ўқишга кетган кўйи ўша ёқда қолиб кетди. Эри раҳматли ана кеп қолар, мана кеп қолар, деб кута-кута оламдан ўтди. Энди ўзи кутяпти. Ўғли эса ҳадеганда келай демайди. Нима эмиш, болалари шаҳарда туғилгани учун қишлоққа кўника олишмасмиш.

Ўғли онасига: "Биз билан яшайверинг", дейди. Холида момо шундоқ кенг ҳовли турганда унинг каталакдек уч хонали уйига сиғармиди? Устигаустак, ўғлининг уйи тўртинчи қаватда бўлса. Ичи сиқилиб пастга тушмоқчи бўлсаям тушолмай диққат бўлиб ўтираверади, бундан ортиқ азоб борми? Шундай экан бормайди-да!

Қизи Моҳира Холида момонинг ҳолидан тез-тез хабар олиб туради. Бироқ унинг елдай келиб-кетиши онасининг кўнглига таскин бўла олмайди.

— Қўшниларим қариндошдан яхши, хавотир олма! — дейди онаси шўрлик Моҳира ҳар гал акасининг қилаётган ишидан гина қилганида.

Моҳиранинг кунда-кунора шаҳарга қўнғироқ қилавериб нолигани акасига оғир ботдими, қишлоққа келиб онасини шаҳарга олиб кетишга кўндирди. Аммо...

Қўшни хонада компьютерда ишлаётган Акбаржон уф тортди. «Бу кампир доим минғир-минғир қилаверади-я?.. Энди дадам билан ойим роса жиқиллашади. Уйи ҳам бошидан қолсин. Шартта сотиб юборсаммикан-а?»

Акбаржон калласига келган бу фикрдан қувониб кетди. Ростдан ҳам ҳовли-жойни сотиш керак! Шунда бувиси истайдимийўқми шаҳарга кўчиб келади. Бу гапни аммасига бир сафар айтганида роса урушиб берганди. Шунинг учун бу ҳақда ҳеч кимга айтмагани маъқул. Уй сотилиб кетгач, қўлларидан нимаям келарди? Бу ишнинг уддасидан чиқадиган бирорта одам топиш керак. Ундан олдин уйнинг ҳужжатини қўлга киритиш зарур.

Акбаржон шу ниятда бувиси билан қишлоққа кетишга қарор қилди. Холида момо бундан жуда хурсанд бўлди. Моҳира опа эса ҳайрон. Жиянининг қишлоққа "сиғаётгани"дан ажабланарди. "Бунингизнинг келганидан-келмагани маъқул эди. Овқатини пишир, жойини сол... Сизга ортиқча хизмат-да", дерди онасига зорланиб. Холида момо бўлса: "Ҳа, қўявер, ҳарқалай икки-уч кундан бери ёнимда ҳамроҳим бор-ку!", дея қизини тинчлантиришга ҳаракат қиларди.

Орадан икки-уч кун ўтгач, дарвозадан ҳовлиқиб кириб келган қўшни Саодатхон атрофга аланглаганича овоз берди:

— Холажон!

— Саодатпошша, мен ичкаридаман. Эндигина ётувдим, кираверинг, — Холида момо бўйнини чўзганича қўшнисини ичкарига чорлади.

Саодат опа бир нимадан хавотир олгандек хонага шошапиша кириб келди ва Акбаржонни сўради. Холида момо неварасининг шаҳарга кетганини айтди. Бироқ бу пайт кўчада Акбаржонга Саодат опанинг ўғли Нозим танбеҳ бераётганди:

— Ота уйни ҳам сотиб бўладими? Ҳеч бўлмаса, момонгни ўйласанг-чи? У кишини ёлғиз ташлаб қўйганларинг камлик қиляптими? Улар бу хабарни эшитсалар, ўлиб қоладилар-ку!

Акбаржон қишлоқдош дўстининг гапларини икки юзи дув қизариб эшитарди.

Холида момонинг ёнида ўтирган Саодат опа нимадир демоқчи бўлиб, энди оғиз жуфтлаган эди ҳамки, ҳовлидан Акбаржоннинг "бувижон", деган овози келди.

— Ия, бу бола кетдим девди-ку? — Холида момо шошиб ўрнидан туришга интилди. — Нега қайтиб келди, тинчликмикан ишқилиб?

Саодат опа унинг қўлтиғидан тутди.

Икковлон ташқарига чиққанларида Акбаржон билан Нозим бир алпозда туришарди.

— Бувижон! — Невара югуриб келиб момосининг қўлларидан тутганча унинг пойига тиз чўкди. — Мени кечиринг! Мен... жуда ёмон боламан, — Акбаржон бошини ердан кўтармай гапиришда давом этди. — Агар Нозим бўлмаганида ҳаммаси тугарди.

— Мундоқ тушунтириб гапир, ҳозир юрагим ёрилиб кетади, — Холида момонинг капалаги учди.

— Мен уйингизни сотмоқчи эдим, — Акбаржон ростига кўчиб қўя қолди.

Холида момонинг ранги оқариб, неварасига ваҳима билан қаради.

— Мен уйингизни сотиб юбормоқчи бўлдим, уйнинг ҳужжатларини...

— А-а? — Холида момо турган жойида чайқалиб кетди.

Нозим югуриб келиб уни ушлаб қолди. Етаклаб келиб, аста сўри четига ўтқазди.

— Бу... қанақа кўргилик, а, пошша?! — Холида момо бир Акбаржонга, бир Саодат опага жавдиради. — Неварам нима деяпти?

Унинг қулоқлари шанғиллаб кетди.

Демак, Акбаржон қишлоққа бекорга келмаган экан-да! Сандиқларингизда нималар бор, бобомнинг қоғозларини кўрай, деб бошини қотиргани ҳам бежизмаскан. Холида момонинг буларни ўйлаганидан юраги санчиб кетди.

— Ҳаммаси ортда қолди, — Саодат опа вазиятни юмшатишга чоғланди. — Бу гап шу ерда қолсин, биров эшитмасин.

Холида момо ҳануз ўзига келолмас, вужудидан мадор кетиб, нафас олиши қийинлашганга ўхшарди.

— Бувижон! — Акбаржон яна унга ялина бошлади. — Мени кечиринг... Жон бувижон, индамай ўтирманг, фақат!.. Гапиринг, мана уйнинг ҳужжатлари!

У шундай деб бир тўп қоғозни кўйлагининг ичидан олиб Холида холанинг ёнига қўйди.

Орага ноқулай жимлик чўкди. Анчагача ҳеч ким оғиз очмади. Акбаржон тез-тез бувисига қараб, айбдорларча бош эгиб турарди.

Холида момо уйнинг ҳужжатларини олиб, зўр-базўр ўрнидан турди.

— Майли болам, бўлар иш бўпти, — деди ҳорғин товушда. — Энди боракол ўша шаҳарингга...

Унинг овози бўғиқ чиқди. Холида момо шундай дея ичкарига қараб йўналди.

— Йўқ, кетмайман! — Акбаржон унинг йўлини тўсди. — Ёнингизда қоламан!

Холида момо бирдан тўхтади. Ҳатто эгик қаддини сал тиклади ҳам. Акбаржоннинг кўзларига бир муддат тикилиб турди-да, сўнг уни аста бағрига тортди.

— Менинг ёнимда қолганинг нимаси? Ахир, ишинг шаҳардаку?! — деди неварасининг елкасига шапатилай туриб. — Хижолат бўлма, кечирдим. Уйни сотмай тўғри қилибсан. Ахир ота уйни сотиб бўладими? Фақат сен уйлангач, ота-онанг ёнимга қайтишса бўлгани.

Акбаржон бувисини маҳкам қучоқлаган, қўйворишни хаёлига ҳам келтирмасди.

Матлуба ЮСУФ ОХУН

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

МАДАНИЯТ

Э кран ва ҳаёт

“Бизда ҳам мультфильм яратиладими?”

Яқинда бир дўстим мендан “Бизда ҳам мультфильм яратиладими?” деб сўраб қолди. Очиғи, аввалига унинг саволидан бироз таъсирландим. Наҳотки, ўзимизда яратилаётган мультфильмларни кўрмаган бўлса?! Кейин ўйлаб қарасам, бир ҳисобда унинг саволида жон бор. Чунки телеэкранларда асосан хориж мультфильмлари соатлаб намойиш этилавергач, ўзимизнинг ўн бешйигирма дақиқали фильмларимиз кўпчиликнинг назаридан четда қолиши табиий. Балки ўта замонавий технологиялар асосида ишланган хориж мультфильмлари олдида ўзимизникилар анча жўн кўринса керак.



Болалигимизда экран орқали кўплаб мультфильмларни томоша қилиб ўсганмиз. Айниқса, ўзбек халқ эртаклари асосида яратилган “Зумрад ва Қиммат”ни кўриб завқланмаган инсон кам бўлса керак. Ана шундай фильмларда фойдаланилган мультипликациянинг энг содда кўриниши бўлган пластилин услубида ясалган қаҳрамонлар ўз даври учун маълум маънода аҳамиятли эди.

Миллий мультипликациямиз ҳозирги кунда тараққиёт босқичини «бошдан кечирганмиз. Айниқса, ўтгани» сир эмас. Сўнгги йилларда соҳага қаратилаётган эътибор ижодкорларни янада кўпроқ изланишга ундамоқда. Биргина 2010 йилда бу борада амалга оширилган ишлар шундан далолат беради. Жумладан, ўтган йили “Ўзбеккино” Миллий агентлигида республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтган эди. Унда юртимизда намойиш этилаётган хорижий мультфильмларнинг бадиий-ғоявий савияси ва тарбиявий аҳамиятига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги, яратилаётган миллий мультфильмларимизда ана шу жиҳатларни янада кучайтириш алоҳида таъкидланди. Бу борада тегишли тавсиялар, ўринли таклиф-мулоҳазалар айтилди. Давра суҳбатида билдирилган таклифларни амалга ошириш мақсадида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масаласини ҳал этишга хизмат қиладиган энг яхши маҳаллий ҳамда чет эл мультфильмлари тўпламини тайёрлашга киришилди. Қолаверса, ҳозирда “Ўзбеккино” Миллий агентлиги буюртмаси бўйича яратилган энг сара мультфильмлар тўпламлари яратилмоқда.

Ўтган йили ўзбек аниматорлари ҳазрат Алишер Навоий асарларига мурожаат этишди. Натижада мумтоз адабиётимизнинг нодир наму наларидан бири — “Ҳамса” достонлари асосида “Фарҳод ва Ширин” (режиссёр Н.Тўлахўжаев) ҳамда “Шер ва дуррож” (режиссёр М.Маҳмудов) номли мультфильмлар яратилди. Бу мультфильмлар, албатта, болаларнинг онги ва дунёқараши шаклланишида катта ёрдам беради. Чунки Навоий асарларидаги турли хил ҳикоятлар ўзининг юксак тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу билан бирга, турли тарихий воқеликлар, ривоятлар ва ўзбек халқ эртакларига асосланган “Дўстлар” (режиссёр О.Кудрина), “Спитамен” (режиссёр С.Муродхўжаева), “Эгрибой билан Тўғрибой” (режиссёр К.Рўзиметова), “Оқ бўталоқ” (режиссёр А.Муҳамедов) ҳамда Ҳамид Олимжон асарлари асосида “Семурғ — бахт қуши” (режиссёр Н.Салом) номли мультфильмлар яратилди.

Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, ҳозирги кунда Агентлик буюртмаси билан “Соҳибжамол қўғирчоқ”, “Широқ ҳақида афсона”, “Йўл ва болалар”, “Зумрад ва Қиммат”, “Жўрахон”, “Чархпалак”, “Меҳр ва Суҳайл”, “Айтсам, ишонмайсиз” номли мультфильмлар тайёрланмоқда. Мазкур янги асарлар ҳам бадиий, ҳам мавзу жиҳатидан жажжи томошабинлар меҳрини қозонишига ишонамиз.

Ҳозирги кунда яратилаётган мультфильмларнинг талаб даражасида бўлишини таъминлаш мақсадида нафақат уларнинг сценарийлари, балки тасвири, мусиқаси ва, албатта, овозлантирилишига ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, боланинг ёши, дунёқараши, ахборотни қабул қилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда, ноаниқ тасвирлар, қора ранглар ўрнига тушунарли тасвир ва ёрқин ранглардан кўпроқ фойдаланиш эътиборга олинмоқда. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, техника ривожланган ҳозирги даврда мультфильмларни яратишда юқорида тилга олиб ўтилган пластилин услубидан имкон қадар камроқ фойдаланишга эришилди. Анимациянинг энг сўнгги кўринишларидан бири бўлган 3D ўлчамда яратилган “Самовий меҳмон” номли мультфильмнинг яратилиши эса бу борадаги янгиликлардан бири, десак янглишмаймиз.

Юксак талаб даражасидаги мультфильмлар яратиши баробарида уларнинг кенг ва самарали тарғиботи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Республикамиздаги энг кўзга кўринган Алишер Навоий номидаги киносаройда жажжи томошабинлар учун махсус кинозал ташкил қилинганини эса бу борада ташланган дадил қадамлардан бири деб баҳолаш мумкин. Умид қиламизки, бу томошабинларимиз, айниқса, ёшларнинг миллий мультфильмларимизга бўлган қизиқишини янада кучайтирса.

Хулоса шуки, сўзимиз бошида эслаб ўтган саволга жавобни ушбу мулоҳазаларимизда билдириб ўтдик. Ўзбек мультфильмлари бундан олдин ҳам яратилган ва кейин ҳам бўлишига ишониш керак. Чунки ҳозирги кунда соҳада қилинаётган янгиликлар унинг янада тараққий этишига омил бўлади. Қолаверса, қисқа ва мазмундор, миллий менталитетимиз, анъана ва қадриятларимизни ўзида акс эттирган мультфильмларимиз ёш авлод қалбига миллий руҳ, миллий ғурур ва ўзбекона тарбияни сингдиришга ёрдам беришига шубҳа йўқ.

Дилфуза МАРДОНОВА,
“Ўзбеккино” Миллий агентлиги ходими

Ў лкашунослик

Тарихга таянч тошбитиклар

Кўпчиликка маълумки, Жиззах шаҳридан чиқишда Моргузар ва Нурота тоғлари туташган жойда Илонўтди дараси кўпминг йиллик тарих сукунатини шимиб ётибди.

Гар гал бу ердан ўтаётганимда мозийнинг бизга аён ва ноаён ҳодисотларини ҳис қиламан. Улкан тошқоялар орасида шовуллаб эсаётган шамол хаёлимда ўтмишдаги отлар дупури, қиличлар жарангини жонлантиради. Дара устидан қараганда илонизи сўқмоқни эслатадиган бу сирли маскан асрлар ортида қай бир долғали даврларга гувоҳ бўлмаган, деган фикр пайдо бўлади. Зеро, қадимда кунчиқар юртларни орзу қилган не-не фотиҳу жаҳонгирлар Шарқ сари отланганларида мана шу тоғ йўлагидан от ўйнатиб, бурғу чалиб ўтганлигини, бу қадимгоҳда Чин-Мочинни Шому Ироқ билан боғлаган Буюк ипак йўли карвонлари қўнғироқларининг садолари қолганлигини тарихий манбалардан ўқиб ўрганганмиз. Масалан, қадимшунос А.Саъдуллаев Искандар Мақдуний (Александр Македонский)нинг Кирополис шаҳрига юришини тасвирлаб: “Искандар Марақанда — Самарқанд шаҳрини эгаллаб Кирополис шаҳрига қараб йўл олди. Ҳарбий юришлар ҳозирги Сангзор, Жиззах орқали Ўратепагача давом этди” деб ёзади. Ҳа, табиий тоғ шароитини назарда тутадиган бўлсак, Самарқанд ва Жиззах оралиғида Илонўтди дарасидан бўлак Искандар лашкарлари сиғадиган жой йўқ.

Яна бир эътиборли жиҳати шуки, бу ерда шоҳ ва буюк астроном Мирзо Улуғбек ҳазратларининг тошга ўйилган “дасхат”и бор. Кейинчалик Бухоро хони Абдуллахон иккинчи ҳам ўзидан маълумот қолдирган.

Ушбу тошбитиклар даранинг кунгайидаги тошқояга чекилган. Унда Мирзо Улуғбек бобомиз 1425 йил воқеаларини қуйидагича ёздирган: “*Улуғ тангри таолонинг... қўллаб-қувватлаши бирлан улуғ султон, жамий подшоҳлар ҳукмдори, Оллоҳнинг ердаги соясы, ислом динининг туғдори, ислом ҳомийси Муъинуддин Улуғбек кўрагон, Оллоҳ анинг салтанатини пойдор қилсун, Жете ва Мўғуллар мамлакатига юриш вақтида бу ердан ўтди ва у элдан бешикаст қайтди. Ҳижрий 828 йил*”.

Эски туркий манбаларда бу жой “Темир қапиғ — Темир дарвоза” деб юритилган. Ҳозирги кунда “Темур дарвозаси” деб аталади. Олимлар мазкур тоғ йўлагининг таснифини қуйидагича кўрсатиб ўтган: узунлиги 16-18 километр, эни 200-500 метр, энг тор жойида ўзаннинг кенглиги 30 метр. Мутлақ баландлиги 450-550 метр. Тоғнинг ёнлама (эни) баландлиги 65-700 метр. Ёдгорликнинг умумий майдони 10 гектар атрофида. Даранинг марказида, шарққа қараб кетишда ўнг қўл томонда кўпчиликка таниш ғор жойлашган. Ғор оғзи баландлиги 3,5 метрлар атрофида бўлиб, узунлиги 5 метр келади. Ғор ичи учта тош супадан иборат бўлиб, 5 қадамдан кейин торайиб бекилади.

Ўрни келганда айтиб ўтиш лозимки, бу ерга ташриф буюрувчи меҳмонларнинг қадимий қояларга турли хил бўёқлар билан исми шарифини ёзиб кетиши кишининг дилини ранжитади.

Даранинг яна бир табиий синоати Илонўтди шамолидир. Самарқанднинг шимоли-шарқий ва Жиззахнинг ғарбида муттасил эсиб турадиган маҳаллий Илонўтди шамоли шу ердан бошланади. Шу боис, унга ҳам мазкур дара номи берилган.



Малика СУЮНОВА
Булунғур тумани

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан Юнусобод тумани 15-мавзе, 31-уй, 87-хонадонда истиқомат қилувчи Беҳзод Атабекович Султановга 2009 йил 31 июлда берилган Юнусобод тумани, Лойиҳадаги Г-40,0 кўчасида жойлашган 7-сонли ер участкасига мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи 175 ау рақамли давлат ордерининг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан Юнусобод тумани 15-мавзе, 31-уй, 87-хонадонда истиқомат қилувчи Беҳзод Атабекович Султановга 2009 йил 16 июлда берилган Юнусобод тумани, Лойиҳадаги Г-40,0 кўчасида жойлашган 11-сонли ер участкасига мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи 142 ау рақамли давлат ордерининг асл нусхаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд
ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!
Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

ISSN 2010-7528

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сурхондарё — 8-376-396-30-59
Фарғона — 8-373-215-80-58
Хоразм — 8-362-291-48-44

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фозил ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 21 20

® — тижорат белгиси.

Адади: 8230 Буюртма — Г-626 123 5